Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 2 октябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 74 (6771)

Даъват

Инсоннинг
қиммати
Эмас сийму зар.
Инсоннинг
қиммати
Илм ҳам ҳунар.
БЕДИЛ

Ибрат

Кегайли туманидаги 14-урта мактаб ўқитувчиси Н. Юсупов, Нукус шаҳридаги 34-илм масканн муаллими Ж. Шунаев, чимбойлик мураббий К. Бойимбетовнинг биология фанларини ўқитишдаги илғор усуллари плакат тарзида кўп нусхада нашр этилиб, Қорақалпоғистондаги шаҳар ва қишлоқ мактабларига тарқатилди.

ТОШКЕНТ МУАЛЛИМЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Халқ таълими ходимларининг байрами яқин. Эзгу тилаклар, олий даражадаги истаклар изҳор этиладиган кун. Ҳамду саноимиз меҳри қуёшга тенг устозлар, шогирд камолидан мамнунлик туядиган мураббийларга бўлсин!

Республика Халқ таълими вазирлиги ана шу касб байрами муносабати билан 4 кунлик тадбирлар маросимини ўтказишни мўлжаллаяпти. Байрам байрамдай ўтсин! Бунинг учун ишлаб чиқилган тадбирлар дастурига кўра, пойтахтимизга халқ таълими соҳасининг ҳақиқий фидойилари, янгилик яратган ўқитувчилар, нишондор мураббийлар таклиф этилади.

Тадбирларни уюштириш ва ўтказиш вазирликнинг масъул шахслари зиммасига юклатилган. Белгиланган тадбирлар 4-7 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтади. Асосий тантанали байрам йиғини муҳташам Туркистон саройида ўтказилади. Халқ таълими ходимлари кунига бағишланган тадбирлар ўзаро тажриба ва фикр алмашувлар билан давом этади. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасига қарашли халқ таълими муассасалари таклиф қилинган меҳмонларни ўз бағрига чорлайди. Шайҳонтоҳур, Миробод, Яккасарой, Собир Раҳимов, Ҳамза, Юнусобод, Сирғали туманлари мактабларига «Йил ўқитувчиси», «Йил мактаби» танловларининг ғолиблари, шунингдек, янги турдаги мактаб директорлари, энг яхши касб эгалари, ижодкор ўқитувчилар, вилоят ХТБларидан масъул шахслар ташриф буюришади. Улар бир-бирлари билан ўзаро тажриба алмашиб, ўрганадилар, ўртоқлашадилар.

Бағри кенг Тошкент шаҳри сизни кутиб олишга муштоқ, азиз ва муҳтарам халқ зиёлилари!

Ўйнаб-ўйнаб яйрасин,
Қувнаб-қувнаб ўйласин,

деган ғояда ўтказилган кўрик-танлов ҳақида *4-бетда ўқийсиз.*

БИЗ МИННАТДОРМИЗ

Андижон шаҳар халқ таълими булими ва унинг касаба уюшма қўмитаси соғлом авлод дастурининг амалга оширилиши кўп жиҳатдан ўқувчиларимизнинг ўз касбларига муносабатига боғлиқ, дея қарамоқда.

Бу йил халқ таълими касаба уюшма қўмитаси мактаб ўқитувчиларининг ёзги таътилини мазмунли ўтказиб, яхши кайфият билан меҳнат ва оила қучоғига қайтиш учун барча чораларни кўрди. 200 га яқин ўқитувчи диёримизнинг «Чимён», «Дилкушод», «Чортоқ», «Косонсой», «Зангиота» каби оромгоҳларида ҳордиқ чиқариб қайтишди.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, деб бежиз айтишмайди. Мана, халқ таълими бўлимига қарашли шаҳар миқёсидаги 2 та гимназия, 46 та умумий таълим мактабларида янги ўқув йили кутаринки руҳда бошланди. Мазкур ўқув масканларида меҳнаткашларнинг 51 мингдан зиёд ўғил-қизи таълим-тарбия олмоқда.

С. ҲАЙДАРОВ.

Халқ таълими ва ҳокимият

ҚАМАШИ МАКТАБЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛИ

Юртимиз мустақил бўлгандан буён ўтган қисқа давр ичида Қашқа воҳасида ҳам халқ таълими соҳасида жуда катта ишлар амалга оширилаётир. Бу борада Қамаши туманининг ҳам ўз ўрни бор. Туман ҳокимининг муовини Тойир МОЙЛИЕВ билан махсус мухбиримиз суҳбати ана шу хусусда бўлди.

— Тойир ака, Қамаши тумани ва халқ таълими ҳақида қисқача гапириб ўтсангиз?

— Қамаши воҳада ўзига хос туманлардан бири ҳисобланади. Унинг худуди 264 минг гектар майдонни эгаллаган бўлиб, 164500 нафар аҳолига эга. Улар 120 та қишлоқда яшайди. Аҳоли асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан машғул. Фақат мустақиллигимиз туфайлигина туманимизга миллий ҳунармандчилик ва саноат корхоналари кириб кела бошлади. Халқ таълими соҳасига келадиган бўлсак, туманда 82 та мактаб бўлиб, уларда 3955 нафар ўқитувчи 40 мингдан сал ошиқроқ ўқувчига илму-одоб ўргатаётир. Туманда хўжалик ва ташкилотлар тасарруфларидаги боғчалардан ташқари 8 та халқ таълими бўлимига қарашли болалар боғчаси, 3 та ҳунар таълими муассасаси, лицей-мактаб, гимназия типидаги махсус болалар боғчаси, болалар ва ўсмирлар ижодкорлик уйи, спорт мактаблари мавжуд.

— Агар рост бўлса, қамашилик маорифчилар кейинги йилларда анчагина ютуқларга эришаётган экан...

— Биласизми, туманимизда кейинги йилларда чуқурлаштирилган таълимга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ишни туман ҳокимлиги ўз назоратига олган. Якунланган ўқув йилида мактабларимизда у ёки бу фан бўйича чуқур билим беришга йўналтирилган 424 та синф ташкил этилди. Бу синфларда умумий ўқувчиларимизнинг 22 фоизи таълим олади. Янги ўқув йилида бу кўрсаткични 25 фоизга етказамиз. Чуқурлаштирилган синфларнинг фойдали томони беқиёс кўп. Мана, бир фактга эътибор беринг. 1994 йилда туманимиз ёшларидан олий ўқув юртларига тест синовлари орқали 360 нафари ўқишга кирган бўлса, 1995 йилда бу рақам 596 тага етди.

(Давоми 2-бетда).

«Олтин мерос»

МУҲИМ ҚАРОР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошидаги «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарори мустақил давлатимизнинг бугуни, келажаги учун жуда муҳим қарор ҳисобланади. Бунда «Халқимиз меросининг ноёб нусхаларини тўплаш, авайлаб асраш, тартиб этиш, халқимиз, айниқса, ёшларимизда мустақиллик, ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимиз давомийлигини, равнақини, уларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашиб боришини таъминлаш» мақсад қилиб қўйилганлиги маънавиятимизни юксалтиришда муҳим ўрин тутади.

Жамғарманинг мақсад ва вазифаларида ҳам ана шу мазмундаги ғоялар ётади, яъни аждодлар меросини асраб-авайлаш, уларнинг умуминсоний қадриятлар хазинасига қўшган улкан ҳиссасини дунёга қайта танитиш... буларнинг барчаси ўзлигимизни англашга, ёш авлодни тарбиялашга ёрдам беради. Қолаверса, ҳали бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Узоққа бормайлик, қанчадан-қанча қўлёзма китобларимиз ёруғлик юзини кўрмай турли хил жойларда ётибди. Тўғри, уларнинг кўпчилиги истибдод даврида ёмон кўзлардан асралган. Бугун уларни топиш ва келажак авлодга қайтариш керак. Бунда барча зиёлиларнинг иштирок этишлари фарз ҳисобланади.

С. МУҲАММАДИЕВ,
ўқитувчи.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

◆ Самарқандда улуғ соҳибқирон ва давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Амир Темур шахсининг замондошлари томонидан баҳоланиши ва фаолиятининг мустақил Ўзбекистон учун аҳамияти» мавзуида 3 кунлик йирик халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

◆ Тошкентда АҚШ, Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистон мамлакатлари махсус хизмат вакиллари иштирокида уюшган жиноятчиликка қарши кураш масалаларига бағишланган халқаро конференция ўз ишини бошлади.

◆ Дунёнинг 27 мамлакати автомобилсозлари билан ҳамкорликда савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланадиган Москва шаҳридаги «Логоваз» акционерлик жамиятини «ЎзДЭУ»нинг «Тико» ҳамда «Нексия» автомобиллари жуда қизиқтириб қолди. Ҳозир 320 та «Нексия» ва «Тико» улар буюртмасига кўра жўнатилди. Тез кунларда улар сони 800 тага кўпаяди.

◆ Россия Бош вазири В. Черномирдин билан Хавфсизлик Кенгаши котиби А. Лебеднинг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда Чеченистон можаросини батамом ҳал этиш ҳамда ўтиш даври учун муваққат коалицион ҳукуматни шакллантириш масалалари муҳокама этилди.

◆ «Толибон» мухолифатчилари Қобулни қўлга киритиб, мамлакатнинг шимол тарафига қараб ўз тасарруфидаги ҳудудни тобора кенгайтирмоқда. Шимолда генерал Абдурашид Дўстум ҳам анчагина ҳарбий куч билан ҳозирча бетараф турибди. БМТнинг Қобулдаги вакили Норберт Хол БМТнинг толиблар ҳаракати билан сиёсий мулоқотлар ва ҳамкорликни давом эттиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлаган.

◆ АҚШ Президенти Б. Клинтон ҳамда Яқин Шарқ мамлакатлари раҳбарлари билан бу минтақада тинчлик ўрнатиш масаласини муҳокама этиш ниятида Исроил бош вазири Б. Натаняху Вашингтонга учиб келди. Миср Президенти Х. Муборак ҳозирча бу учрашувга бориш-бормаслигини аниқ айтганича йўқ.

Икки директорга икки савол

БЕШ ЙИЛ СИЗГА НИМА БЕРДИ?

Бемор табибга қорин оғриғидан шикоят қилибди.
— Нималар еб эдингиз? — сўрабди табиб.
— Фақат бир бурда куйган нон, — дебди бемор.
Табиб хизматкорига буюрибди: бу биродарнинг кўзига дори қўйинг.
— Э тақсир, ахир, менинг қорним оғрияпти-ку.
— Йўқ, — дебди табиб. — Сизнинг кўзингиз чатоқ. Соғ бўлганда куйган нон ермидингиз?

Мен бу гаплар бугуннинг гапи эканлигига шубҳам бор. Негаки, бугунги кун ҳар бир киши елкасига сергакликка ундовчи муайян масъулият юклаган. Бугун куйган нон «еб» қўйган кишига даврнинг ўзи табиб.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизнинг ишлаб чиқарувчи турли жабҳалари бисотини улкан ютуқлар билан тўлғизишаётган бир пайтда халқ таълими соҳасида, хусусан, ўрта мактабларда нима гап? Дарвоқе, мана, янги ўқув йилининг ҳам биринчи ойи ниҳояларди. Тўғри, бугун барча соҳалардаги каби таълим тизимида ҳам эътиборга молик ютуқлар йўқ эмас. Дейлик, янги турдаги ўқув муассасалари: лицей, гимназия, жадаллаштирилган синфлар... Шунингдек, компьютер, рейтинг, тест сингари янгиликлар бугунги таълим тизимининг мулкига айланган. Хўш, бу янгиликлардаги мазмун-чи? Шаклига мосми? Биз бу хил саволларга жавобни бу сафар ўрта мактаблардан қидирамиз.

Дарҳақиқат, истиқлолга эришганимизга ҳам яқинда беш йил тўлди. Хўш, шу ортда қолган беш йил айнан сизнинг мактабингизга нима берди? Сиз раҳбарлик қилаётган даргоҳнинг бугунги муаммоси нима?

«Менга беш йил — ўзимни берди»

Қобул Қосимов, Чилонзор туманидаги 179-ўрта мактаб директори:

— Биласизми, мен ушбу даргоҳда 34 йил раҳбарлик қилдим. Биз қизил империя даврида халқ таълимини ҳам муайян қолипга солиб қўйгандик. Шу қолипдан чиқмай 29 йил ишладим. Худога шукур, мана беш йилдирки, «ўзим ётиб, ўзим туряпман». Демак, истиқлол, аввало, менга ўз эркинлигимни берибди-да!

Мактабимизга келсак ўтган беш йил орасида бир қатор янгиликларни, ютуқларни қўлга киритганмиз. Айтиш мумкинки, юқори синф ўқувчиларимизни рейтинг усулида ўқитишга ўтганмиз. Мактабимизда жадаллаштирилган синфлар очилган. Икки йилдирки, болажонларни 1-синфга танлов асосида қабул қиляпмиз. Ушбу йилдан мактабимизга лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси кириб келди. Хуллас, янгиликлар жуда-жуда кўп. Лекин сиз айтганингиздек улардаги мазмун-чи?

Мен баъзан бундан 7-8 йил олдин таълим берган ўқувчиларим билан бугунги ўқувчиларимнинг илмга, мактабга бўлган муносабатини таққослаб кўраман. Тўғрисини айтиш керак, бугунги болаларимиздаги илмга бўлган муносабатни ижобий баҳолаб бўлмайди. Хўш, бунга ким айбдор? Ўқитувчими? Бу саволга ўзим жавоб беришим мумкин. Тан олиш керак. Бугун оилаларимизда «об-ҳаво» бошқача. Дастурхон атрофидаги суҳбатлар бозордан бошланиб, бозор билан тугайди. Бу, ахир, бола руҳиятига билвосита таъсир қилади. Мана биз ҳар ойда ота-оналар йиғилишини ўтказамиз. Афсусланарли жойи шундаки, бизнинг ота-оналар мактабдан қочиб юришади. Демоқчиманки, оила билан мактаб ўртасидаги мақсад уйғунлашмас экан, «маҳсулот» сифатсиз чиқаверади.

Мактабимиздаги муаммоларга келсак, албатта, камчиликлар йўқ эмас. Кадрлар етишмаяпти. Айниқса, инглиз тили фанидан. Ва яна айтиш мумкинки, ёзги таътил кунлари ўқитувчиларимиз бемалол дам ололмаяпти. Қани, энди ўқитувчилар учун ҳам махсус дам олиш зоналари ташкил этилса.

«Бош ёрилса дўппи ичида»

Валижон УМАРОВ, Акмал Икромов туманидаги 81-ўрта мактаб директори:

— Бизга ўтган беш йил чексиз имконияти берди. Аввало, шу давр мобайнида ўқувчиларимизда миллий руҳни уйғота олдик. Бугун болаларимиз қадим аждодларининг ҳаётини ўтмиш тарихининг нақадар бойлигини, келажагининг буюклигини англаб етди. Етмаганга етказаяпмиз. Шунинг ўзи улкан ютуқ эмасми?

Бугун республикамиздаги барча ўқув даргоҳларидагидек бизнинг мактабимизда ҳам давга ҳамнафас янгиликлар кўп. Шулардан эътиборга арзигуликларидан бири, биз бугун болаларимизда экологик онгни шакллантириш бобида анчамунча уринишлар қиляпмиз. Ҳозир мактабимизда «Биоэкосан» ёшлар ўқув маркази томонидан махсус 8 та тугарак очилган. Бу тугаракларда олиб борилаётган таълим-тарбиянинг натижаси ўзининг ижобийлигини кўрсатаяпти.

Иккинчи саволингизга келсак, қаерда иш борки, уша жойда муаммо ҳам ҳозиру нозир. Бизнинг даргоҳимизда ҳам камчиликлар бор, албатта. Лекин бугунги кун, бугунги давр муаммони бировнинг қўли билан эмас, ҳар ким ўз қўли билан еча олишни ғолиблик деб таърифласа керак. Халқимизда мақол бор-ку: «Бош ёрилса дўппи ичида...»Биз шу ақидага амал қилиб мактабимиздаги мавжуд камчиликларни қўлимиздан келганича ўзимиз ҳал қилишга ҳаракат қиляпмиз.

Дарҳақиқат, мана сиз, бугунги давр ҳавосидан нафас олиб яшаётган 2 та ўқув маскани ҳаёти билан танишдингиз, раҳбарларининг фикр-мулоҳазасини ўқидингиз. Сизни билмадиму, мендаги хулоса, нима бўлганда ҳам ўтган беш йил озод Ватанимизнинг ҳам иқтисодий, ҳам маънавий тараққиёти учун улкан ютуқлар, одамларимизга, дейлик, Сизга дадил фикр айтишни, муаммони кўтаришни, менга эса чўчимай тинглаб, кўрқмай ёзишни берибди.

Алишер НАЗАР,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

ХАЙВОНЛАРГА ГУВОҲНОМА

Швециялик олимлар тузган микросхема ит ва мушукларнинг териси остига жойлаштирилиб, унда уларнинг ва эгасининг оти, манзили ёзилган, полиция ва божхона ходимлари эса тегишли ўқув қуроллари оладилар.

ТАЖОВУЗКОР МЕТАЛЛ

Америкалик олимларнинг тадқиқотларини Буюк Британия экологлари яна бир бор тасдиқладилар. Мамлакатнинг қўрғошин билан кучли ифлосланган ерларида ичкиликбозлик юқори кўрсаткични кўрсатди. Жиноят эса ҳатто беш марта кўп содир булар экан.

ФАҲМ СЎРҒИЧ

Буюк Британиянинг Саутгемптон университети олимларининг аниқлашларича, сўрғич гўдакнинг ақлий қобилиятига салбий таъсир қилади. Улар, бола билан кам уйнаб, уни сўрғич билан тинчитиш фаҳм-фаросат ривожига тўсқинлик қилади, демоқдалар.

ТАДБИРКОРЛИК УФҚЛАРИ

АҚШнинг «Компьютер ассошиэйтед» компанияси тузган дастур ёрдамида Интернет компьютер тизимига Эн-ди-си хизмат кўрсатиш ташкилотининг 500 минг компанияни ўз ичига олган рўйхати киргизилди.

ТУРМАДАГИ ДОКТОР

Бир умрга қамоқ жазосига ҳукм этилган 38 ёшли Филипп Морис Франция Фанлар академиясининг докторлик унвонини олди. Мукофот жиноят учун бўлмаса ҳам, «олимнинг» иши ҳаёти билан боғлиқ. Унвон «Урта аср Франция қамоқхоналаридаги муносабатлар» асари учун берилди.

ХАБАРЛАРИ

МММ

БУГУНГА ТАҲЛИЛИЙ НАЗАР

Яқинда Файзулла Ҳўжаев номидаги Бухоро давлат университетида вилоят «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда «Узбекистон тараққиёт йўлида» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуман дастуридан ўрин олган «Олий таълим беш йил ичида» , «Узбекистон иқтисодиёти: юксалиш ва муаммолар», «Узбекистон жаҳон нигоҳида», «Миллий мафкура ва мустақиллик» сингари долзарб мавзулардаги ўқилган маърузалар таҳлили, кенг қамровли ва теран мушоҳадаларга бой бўлганидан тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

MUNOSIB TO'YONA

Mannon Uyg'ur nomidagi Surxondaryo musiqali drama teatrida Sohibqiron Amir Temur tavalludining 660 yilligiga bag'ishlangan yozuvchi Qilich Abdunabiyev qalamiga mansub «Amir Temur va Yildirim Boyazid» spektaklini jamoatchilikka topshirish marosimi bo'lib o'tdi. Spektaklni sahnalashtiruvchi rejissyor O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan san'at arbobi Mansur Ravshanov.

Marosimda O'zbekiston Madaniyat vazirining o'rinbosari Muhammadali Abduqunduzov viloyat hokimligi madaniyat boshqarmasidan mutasaddilar ishtirok etdi. Spektakl bobomizning to'yiga to'yona bo'ldi.

ТАЛАБАЛАР ҚАСАМЁДИ

Тошкент давлат университетининг Маданият саройида бу йилги қабул қилинган талабаларнинг қасамёд маросими бўлиб ўтди.

Йиғилишни университетнинг ўқув ишлари бўйича проректори Азиз Ворисов очди ҳамда талабаларни самимий қутлади. Сўнгра сўзга чиққан Узбекистон ёшлар «Камолот» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Муқим Қирғизбоев, Узбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов, республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлими мудири Турсуной Содиқова, Муқимий номли театр ижодий жамоаси раҳбари Рустам Мардиевлар ҳам ёшларни талабалик бахтига муяссар бўлганликлари билан табриклаб, эзгу тилаклар билдиришди.

Йиғилиш сўнгида барча талабалар мустақил Узбекистонга ва унинг халқига ҳалол ҳамда виждонан хизмат қилишга қасамёд қилишди.

МУАЛЛИФЛАР:
Д. ЖАББОР,
Muxtasar KARIMOVA,
Ш. ҚОРАЕВ.

ХАБАРЛАРИ

МММ

Ҳайъат йиғилишида

МАЗМУНДАН ШАКЛГА

Республикамизда бундан тўрт-беш йил илгари таълимни ислоҳ қилишда асосан шаклни биринчи ўринга кўтарганлар анчагина эди. Вақт ва илғор тажриба бу тамойилнинг нотўғри эканлигини исботлади. Мазмундан келиб чиқиб яратилган шакл асл бўлишига иқрор бўлинди. Шу боис педагогика соҳасида илмий изланишлар олиб борган олимлар, илм-фан кишилари, ижодкор ўқитувчилар томонидан бир талай янги дарсликлар, дастурлар, дарс ўтиш методлари яратилди, амалиётга татбиқ этилди. Шу кунгача бу борада қилинган ишлар бугуннинг талабига, қолаверса, келажак буюртмасига тўлиқ жавоб бера оладими? Ўз кун тартибига, халқ таълими муассасаларида олиб борилаётган илмий- тадқиқот ишларининг самарадорлигини ошириш масаласини қўйган Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги ҳайъат мажлисида айнан шу саволга жавоб изланди.

Вазирлик фан ва малака ошириш бўлими бошлиғи М. Лафасов мазкур масала юзасидан ўтказилган текширишлар асосида ҳисобот берди. Қилинган кўпгина яхши тадбирлар қаторида ундан-да қилиниши лозим бўлган талайгина ишлар борлигини қайд этди. Илм-фан йўлини танлаган олимлар, бўлажак олимларнинг ҳаммаси ҳам бирдек сермаҳсул ишламаётганини рақамларда исботлаб берди. Дарвоқе, ўзи бошқараётган бўлимнинг ҳам бу борада қилиши керак бўлган айрим ишларини ҳам санаб ўтди. Шундан сўнг муҳокама бошланди. Кўпгина қатнашчилар педагогиканинг бу жабҳаси ишини янада жонлантириш, самарадорлигини ошириш юзасидан ўз фикрларини, таклифларини баён этишди. Жумладан, ҳайъат раиси, халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев муҳокамага якун ясаб шундай деди:

— Бугунги ҳайъат мажлиси кун тартибига биргина мазкур масалани қўйиб, уни атрофлича муҳокама этаётганлигимиз бежиз эмас.Чунки таълимнинг мазмуни шакллантирадиган педагогик илмий-тадқиқот ишларини керакли ўзанга туширмай туриб, ҳеч қачон ютуқ ҳақида гапиришга ҳаққимиз йўқ. Негаки, энг илғор фан-техника ютуқларини, дарс бериш методларини ўз вақтида ўқитувчиларга етказиш айнан шу жабҳа кишилари зиммасида.

Юқорида илмий-тадқиқот ҳамда бир қанча педагогика институтларида кўпгина илмий ишлар қилинганлиги, қилинаётганлиги санаб ўтилди. Аввало илмий иш дейилганда, янгилик тушунилади. Хўш, ўша янгиликнинг ҳаётга — амалиётга татбиқи қандай бўлаяпти? Унинг самарадорлик даражаси шу пайтгача бўлганларидан қанчалик ортиқ? Менимча, масаланинг бу томонлари кўпчиликни қизиқтирмаяпти. Тажриба-синов майдонларида ишлар тартибсиз олиб борилмоқда. Маълум бир янгиликни жорий этиш учун аввало Низом, сўнгра концепция, дастур, дарслик бўлиши лозим. Уларнинг барчаси ўзига хос бўлиши керак. Шундагина сиз қилган илмий-тадқиқот ўз исботини, натижасини намоён эта олади. Шундагина сиз ўз ишингизни ҳақиқий ҳимоя этган бўласиз.

Ҳайъат мажлиси кўрилган масала юзасидан муҳокамалардан сўнг қарор қабул қилди. Унда илмий-тадқиқот ишларининг самарадорлигини таъминлаш юзасидан тегишли муассасалар, вазирлик бошқармалари раҳбарларига аниқ вазифалар юкланди.

А. РАҲИМОВ.

Халқ таълими ва ҳокимият

ҚАМАШИ МАКТАБЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аминманки, бу йил кўрсаткичларимиз янаям ошади. Бу эса чуқурлаштирилган таълимнинг мевасидир.

Яна бир гап. Туман ҳокимлиги мактаблардаги ўқув мавзуларини маҳаллийлаштиришга эътибор қаратган. Ўтган ўқув йилида 40 нафар маҳаллий ижодкорларнинг ижодий ишлари мактабларимизда ўрганилди.

1996-97 ўқув йилидан бошлаб ҳамма мактабларда Қашқадарё вилояти ва Қамаши тумани тарихи ўқитила бошлайди. Келгусида биз туманимиз жуғрофияси ва табиатини ҳам ўқитишни режалаштирганмиз. Бу борада ҳам тайёргарлик ишларини бошлаб юбордик. Ҳозирги даврда халқ таълими борасидаги долзарб масалалардан бири, лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига ўтишдир. Бу масала бўйича ҳам туман ҳокимлигида махсус гуруҳ иш олиб бораётир. Кейинги икки йил ичида 3 мингдан ошиқ ўқитувчи ва тарбиячиларимиз бу алифбо бўйича қайта тайёрловдан ўтиб, ҳужжат олдилар. Бу йил мактабларимизнинг биринчи синфларига келаётган 5 мингдан зиёд ўқувчининг ҳаммаси ўтган ўқув йили якунида 130 соатлик тайёрлов режасини ўрганишди.

Туманимиздаги Бобур номли мактабда лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбоси бўйича сабоқ олаётган ўқувчиларимиз 3-синфга ўтишди. Бу тажриба синфимизнинг услубий ҳомийлигини республика Таълим маркази вакили сифатида професор Қумри Абдуллаева ўз зиммаларига олганлар.

Умуман натижалар ҳам ёмон эмас. Туманимизнинг 5 нафар фидойи ўқитувчиси ҳукумат мукофотларини олишга муяссар бўлди. Халқ таълими ходимларимиз ўқув йили якунига кўра вилоятда барча кўрсаткичлар бўйича 17 та туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари орасида 7-ўринни, турли-туман тадбирлар ўтказиш ва фанлар олимпиадалари якунига кўра 3-ўринни эгалладилар.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ иҳтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори бўйича туманда қандай ишлар олиб бориляпти?

— Саволингизга жавобни мавжуд муаммоларни айтиш билан бошламоқчиман. Мактабларимиз жуда кўп жиҳатдан замонамизнинг илғор талабларига жавоб бермайди. Моддий-техника базамиз яхши эмас, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозларга муҳтожлигимиз катта. Туманимиздаги 5 та мактаб авария ҳолатида, 14 та мактабимизда ўқувчи ўрни етарли эмас. Биз қарорни туман ҳокимлиги фаоллари йиғилишида атрофлича ўрганиб, маҳаллий шароитга мослаб ишлаб чиқдик. Махсус гуруҳ тузиб, унга 18 нафар кишини масъул этиб тайинладик, режа туздик. Хуллас, 2000 йилгача бу борада ҳам ҳали кўп ишлаш керак. Қарор чиққандан буён ўтган қисқа вақт ичида авария ҳолатидаги мактабларимизнинг янги қурилиш лойиҳасини ишлаб чиқдик. Умумий ҳисобда бу мактаблар учун ҳаммаси бўлиб 2008 ўринли бинолар қурилиши керак. Мактабларимизда қўшимча қурадиган биноларимиз эса 3286 ўқувчи ўринни ташкил этаётир. Албатта, бу жуда катта молиявий қувват талаб қиладиган иш. Аммо, тузилган режамизга мувофиқ барча имкониятларимизни ишга соладиган бўлсак, ҳокимлик бу ишни 2000 йилга қадар ниҳоясига етказади.

Ҳокимлик мактабларга эркинлик берди. Улар қонунидан чиқмаган ҳолда ўз ҳисоб рақамларини очишиб, у ёки бу соҳа бўйича тадбиркорлик ишларини олиб боришаяпти, пул топишаяпти.

Дарҳақиқат, қишлоқ мактабларининг истиқболини ривожлантириш — давр талаби. Бас, шундай экан, туман ҳокимлиги Қамаши мактабларининг истиқболи учун жиддий қайғуради ва бу борадаги ўз режасини амалга оширади деб ишонтирамиз.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Абдували ОБИДДИНОВ суҳбатлашди.

«СЕУЛЛИК БОЛА»...НИ КЎРГАНЛАР

Яқинда Бўз туманидаги «Ғалаба» мактабида роса шовшув гап бўлди: «Нима дейсан, бу ерга сеуллик бола келармиш. Корейс бўлсаям, ўзбекчани яхши билармуш».

Ниҳоят, орзиқиб кутилган дамлар етиб келди. Чиндан ҳам мактабга «сеуллик бола» ташриф буюрди.

Учрашувни халқ таълими аълочиси, мактаб директори Яшаркул Давидов очиб, тўпланганларни ҳозирда мактабнинг фахрига айланган меҳмон билан таништирди:

— Танишинг. Насимжон Жўрақулов. Ҳамқишлоғингиз. Шу мактабда сабоқ олган. Тошкентдаги чет тиллар олий ўқув юртининг немис-корейс тили филологияси факультетини имтиёзли битирган. Жанубий Кореянинг «ДЭУ» компанияси буюртмасига асосан, ёш мутахассислар танловида ғолиб чиқиб, ҳозирда мазкур компанияга қарашли корхоналардан бирида таржимонлик қилаётир... Насимжон акангиз, янги йилдан сўнг, Асакадаги «УзДЭУ авто» корхонасида, малакали мутахассис-таржимон сифатида иш бошлайди.

Шундан сўнг «сеуллик бола» келгуси режалари ва Жанубий Корея таассуротлари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Ҳасанбой РУСТАМ. Андижон.

Эъзоз

МЎЪТАБАР МАКТАБ

Ҳар бир ўтган кун — тарих. Унда ўзига хос из қолдирмоқлик фидойи ва билимдон инсонларгагина насиб этади. Аслида инсон умри лаҳзаларида акс этади. Шу боис у фаолияти давомида кўп бор амалга оширган ишларини қайта-қайта хаёлидан ўтказади, таҳлил қилади. Суҳбатдошимиз — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги Садриддин Айний номли 84-мактаб директори Мирҳамид Мираҳмедов ҳам ана шундай ҳолатга кўп бор дуч келди.

Йиллар ва йўллар... Устознинг маориф соҳасида фаолият кўрсатаётганига ҳам 50 йил тўлибди. У шу йиллар давомида ҳукуматимизнинг қатор мукофотлари билан тақдирланди. Қувонарлиси, 5 октябрь куни у киши раҳбарлик қилаётган жамоа мактаб ташкил этилганлигининг 60 йиллигини кенг нишонлайди. Шу муносабат билан биз Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Мирҳамид МИРАҲМЕДОВга учрашиб, мактаб тарихи, илм масканида ишлаганлар ва ишлаётган устозлар, мактаб ҳаётида юз берган муҳим воқеалар ҳамда жамоанинг келажакдаги режалари ҳақида суҳбатлашдик.

— Аслида ҳар қандай Бугуннинг илдизлари тарихга бориб тақалади. Бинобарин, мактаб тарихи ҳам унинг бугунги куни каби сабоқлидир. Шу боис, аввало, суҳбатни ана шундан бошласак...

— 1934 йилда Бешёғочдаги янги маҳалла (ҳозирги Ўжи Расулов кўчаси)да 84-мактаб қурилди. Билим маскани 1935-36 ўқув йилида иш бошлади. 1937 йилда Али сарқиқ бойнинг икки қаватли биносидаги мактаб ҳам 84-мактабга қўшилди. Боймат Назаров директор бўлди. Бу пайтда Аъзам Вафоев, Халил Аъзамов, Ваҳоб Йўлдошев, Фотима Хўжаева, Мансур Мирзаев каби фидойи инсонлар ўқитувчилик қилганлар.

1938 йилда Тошпўлат Отамирзаев директор этиб белгиланди. Шу йили мактаб ёниб кетди ва бир йил ишламади. Шунда С. Айний номли мактаб халқ орасида «куйган мактаб» деб юритилди. Ўша йиллари илм маскани сайлов участкасидан Усмон Юсупов депутатликка сайланган эди. Шу боис У. Юсупов ёрдамида мактаб қайта тикланди.

— Бугун сўнгги йиллар давомида мактабга раҳбарлик қилган мўътабар инсонлар, ўзига хос мактаб яратган фидойи ўқитувчилар ҳақида ҳам сўзлаб ўтсангиз.

— Тошпўлат Отамирзаевдан сўнг мактабга Розия Қобилова, Тожи Аҳмедова, Ҳалима Абдуллаева, Фахриддин Муҳиддинов каби моҳир ташкилотчи педагоглар раҳбар бўлишган. Улар фаолиятининг ҳар қирраси бир тарих.

Мактабда республикага таниқли ўқитувчилар фаолият кўрсатишган. Биз ҳар доим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчилар — Маҳбуба Иноятова, Халил Аъзамов, Ғулом Ҳидоятов, Ҳусан Ҳошимов, Карим Мусаевлар ҳақида фахр туйғуси билан гапирамиз.

Илм масканининг 60 йиллиги тантана қилинаётган шу кунларда мактабда ўзига хос мактаб яратган ўқитувчилар Ҳакима Обидова, Малика Расулова, Толиб Маҳкамов, Маърифат Ниёзова, Шоира Аҳмедова, Ўткир Назаров, Г. Муртазин, Саодат Яхшибоева, Матлуба Турдиева, Меҳри Мавлонова, Васила Юнусоваларни номма-ном тилга олсак арзийди. Булар айни кунда ҳам кўп йиллардан бери ўғил-қизларга қалб кўрини бағишлаб келаётган устозлардир.

— «Устоз — отангдан улуғ» дейишади. Ушбу нақлни Сиз қандай шарҳлайсиз?

— Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий: «Инсоннинг зеби-зийнати унинг билимдонлиги ва одобидадир. Буларни шогирдларига сингдирган устозларгина чинакам устозлардир», — деган мазмунда фикр айтган. Дарҳақиқат, ота-она бир гўдакни дунёга келтиради, устоз шу инсон боласини комиллик сари етаклайди, илм беради. Илм эса фақат яхшиликка бошлайди.

— Оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлигини уч илдизга қиёсласа бўладими?

— Бу ҳамкорликни мактаб — жамият кўркига айланишида асос бўла оладиган уч илдизга ўхшатса ҳам бўлади. Чунки бир бола оилада дунёга келиб, маҳаллада ўсиб улғаяди ва мактабда таълим олади. Ўғил-қиз дунёқараши шаклланишида оиланинг соғлом муҳити, маҳалланинг ободлиги, ҳамнафаслиги ва мактаб жамоасининг таъсири кучли бўлади. Жамоамизнинг «Камолон» ва «Чарх — Камолон» маҳалла қўмиталари билан ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалари бор. Уларда таълим-тарбиянинг барча жиҳатлари қамраб олинган, раҳбар вазифаси алоҳида қайд қилинган.

— Мактаб раҳбари, Сизнингча, қандай фазилатлар эгаси бўлиши лозим?

— Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошевнинг «Маърифат»да чоп этилган бир мақоласида таъкидлаганидек директор қандай бўлса, мактаб ҳам шундай бўлади. Бу ҳақ гап. Чунки кўп нарса раҳбар фаолиятига чамбарчас боғлиқдир. Шу боис мактаб раҳбари, аввало, ақлли бўлиши керак. Демоқчиманки, ақлли одамда ўткир зеҳн, идрок, қобилият ва тадбиркорлик бўлади. У ўзининг бутун қобилияти ва идроки билан яхши ишларни амалга оширишга шошилади.

Раҳбар — талабчан, ўз ишининг устаси, ноҳақликка йўл қўймайдиган ва шу фазилати билан обрў орттирган инсон бўлмоғи шарт. Зеро, обрўли инсоннинг эл орасида ҳам ҳурмати баланд бўлади.

Ҳазрати Соҳибқирон Амир Темур «Куч адолатдадир» дейди. Демак, раҳбар адолатли, шу билан бирга камтар ва меҳрибон бўлиши даркор. Менинг амал қиладиган шиорим шундай: мактаб раҳбари ўғил-қизни севсин, унинг қалбини тушунсин, зотан, ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчининг ўзи бир олам.

— Ноанъанавий дарс... Ўқитувчи ижодкорлиги... Сиз уларни қандай баҳолайсиз ёхуд рағбатлантирасиз?

— Дарс 45 дақиқа давом этади. Ўқитувчи шу вақт мобайнида ўқувчига ҳаёт дарсини тушунтира олса, яъни мавзуни ўтмишга ва бугунга боғлаб, мақсадни тушунтира олса, ўқувчи шу дарсдан таассуротларга бой ҳолда чиқади. Шундагина муаллим ижодкорлик билан ноанъанавий дарс бера олган бўлади. Саодат Яхшибоева, Малика Расулева, Меҳри Мавлонова, Фотима Исҳоқовалар ҳам доим машғулотларга ижодий ёндашадилар. Масалан, математика ўқитувчиси М. Расулева математика ойлигида «Мучал байрами», «Турон — алломалар диёри» мавзуида очиқ дарслар ўтказди. Ўқувчиларгина эмас, ўқитувчилару ташриф буюрган меҳмонлар ҳам бу дарсдан олам-олам таассурот олдилар.

Сирасини айтганда, дарс — суҳбат, дарс — ижод, дарс — компьютер, дарс — саёҳат, дарс — қаноат, дарс — мозий каби сабоқларнинг хилма-хил ноанъанавий шакллари ўқувчи билимини такомиллаштиради... Бундай дарс берувчи муаллимлар ҳар жиҳатдан рағбатлантиришга лойиқдирлар.

— Муаллимлик, раҳбарлик даврларингиздаги эсда қоларли, Сизни ҳаяжонлантирган воқеа-ҳодиса, ҳаяжонли лаҳзаларни ҳам эслаб ўтсангиз?

— Ҳаётимда учрашув, воқеа, ҳаяжонли дақиқаларни кўп бор бошимдан кечирганман. Айниқса, директорлигимнинг учинчи йили таниқли ҳукумат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов билан бўлган учрашув менинг хотирамда чуқур из қолдирган.

Мактабимиз жамоаси 1983 йил 1 сентябрни катта қувонч ва ифтихор билан кутиб олди. Шу куни мактабнинг янги биноси очилиши маросимига Шароф Рашидов ташриф буюрдилар. Бу қувончли ҳол «Камолон», «Чарх-Камолон», «Беш-Ёғоч» маҳалла аҳлининг чинакам байрамига айланди.

Эрта тонг. Мактаб ҳовлиси ота-оналар, меҳнат фахрийлари, болажонлар, ўқитувчи мураббийлар билан тўлган. Кўп ўтмай мактаб ҳовлисига бир гуруҳ давлат ва халқ таълими ходимлари билан Шароф ака кириб келдилар. Биринчи меҳмонларни болажонлар қўлларида гуллар билан қарши олишди. Шароф ака ўзига хос табассум билан ҳар болани бағрига босди, яхши истаклар билдириб, «яхши» ва «аъло» баҳоларга ўқишларига тилак билдирди. Сўнг Шароф ака мактабнинг ҳар бир хона, ҳар бир синф ва кабинетларини мамнуният билан томоша қилдилар. Синфлар, фан кабинетлари жиҳозларидан мамнун бўлдилар шекилли менга юзланиб: «Домлажон, мактабда миллий ислоҳни бошлаб қўйибсиз, синф ва кабинетлар яхши жиҳозланибди», — деб кулиб қўйдилар.

Шароф ака Рашидов мактаб билан хайрлашар экан: бу илм маскани, мўътабар, табаррук кишиларнинг қадамжосига айлансин, — деб тилак билдирган ва ният қилган эдилар.

— Халқимизда «Яхши ният — ярим давлат», деган нақл бор. Бу инсоннинг тилаги, нияти ижобат бўлдими?

— Мана, шу қисқа давр ичида мактабимизга олимлар, шоир ва ёзувчилар, чет эллик меҳмонлар кўплаб ташриф буюрдилар.

Афғонистонлик Али-Аҳматшон (Афғонистон таълим-тарбия вазирлигининг ходими): «Биз Афғонистондан келган меҳмонлар 84-мактабда бўлдик. Мактаб ўқитувчиларининг иш тажрибасини ўрганиш ва ўқувчилар билан суҳбатлашиш натижасида таълим-тарбия соҳасида яхши ишлар олиб борилаётганининг гувоҳи бўлдик. Биз бу тажрибаларни Афғонистонда ўз иш фаолиятимизда қўллаймиз», — деб дастхат қолдирди.

М. Абдурасулов, халқ ўқитувчиси: «Биз 84-мактабда бўлиб, болаларга берилаётган таълим-тарбия ишларидан жуда завқландик».

Шунингдек, мактабда йирик давлат арбоби Нуриддин Акрамович Муҳитдинов ҳам бўлиб, ўз дил сўзларини шундай ифодаладилар:

«Мен элликдан ортиқ хорижий мамлакатларда ҳамда турли республикаларда бўлиб, мингдан ортиқ мактабларни кўрганман, аммо бундай мактабни, бундай болаларни энди кўришим, мени қайтадан мактабга қабул қилишса, шу мактабга келиб ўқиган бўлур эдим».

Ҳа, мактабимиз Шароф ака орзу қилганидек йирик алломалар, мўътабар кишилар қадамжосига айланди, сўнгги йилларда зиё масканимизда қўплаб ёзувчилар дарс берди. Озод Шарафутдинов, Ўткир Ҳошимов, Абдулла Орипов, Қуддус Муҳаммадий, Пўлат Мўмин, Сафар Барноев, Ҳалима Худойбердиева, Чиннихон ая Ибрагимова, Боис Эргашев каби шоир ва ёзувчилар ташриф буюрдилар. Демак, Шароф аканинг ниятлари амалга ошмокда.

— Мактабнинг бугунги ҳаётида қандай ўзгаришлар бўлди? Янгиликлар жорий қилиндими?

— Кейинги беш йил давомида мактаб ҳаётида кўпгина ўзгаришлар юз берди. Бу — дарсларда баҳолашнинг рейтинг усулидан фойдаланиш, ўғил-қизлар билимини компьютерлар орқали синаш, синфларни ўқувчиларнинг қизиқишлари бўйича ташкил этиш ва шу билан бирга илм масканининг юқори синф ўқувчиларига «Халқ оғзаки ижоди» фанини ўтиш, замонамизнинг таниқли ва етук кишилари билан мунтазам учрашув ва қизиқарли суҳбатлар олиб бориш анъана тусига кириб қолган.

Мактабнинг ҳамма синфлари ва кабинетлари ўз атамаси — номига эга. Масалан, математика хоналари — Ал-Хоразмий, Беруний, Форобий, Қори-Ниёзий, она тили ва адабиёт фани кабинетлари — А. Навоий, Ҳ. Ҳ. Ниёзий, Ҳ. Олимжон, F. Ғулом, бошланғич синфлар 1"А", 1"Б", 1"В", 1"Г» эмас балки «Бойчечак», «Ғунча», «Лола», «Навбаҳор» сингари номлар билан аталади.

— Келажакда мактаб жамоаси қандай юмушларни амалга оширишни мўлжаллаяпти?

— Мактаб жамоаси эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб бориш ниятидалар. Шу билан бирга ёш авлодни камолга етказиш, ўғил-қизларни истиқлол мафкураси асосида комил инсон қилиб тарбиялаш, таълим ва тарбия бирлигини таъминлаш ҳам жамоанинг асосий вазифаларидандир.

Мустақиллик туфайли қўлга киритилган юксак бойлигимиз — ўзлигимизни англаш, маънавий қадриятларимизни тиклаш, ўтмишимизни шу кунларга яқинлаштириш, маънавий дунёмизни бойитиш, таълим-тарбия жараёнининг бирлик ва софлиги учун курашиш, Ватанни саждагоҳ каби мўътабар билувчи инсонларни тарбиялаш, қисқаси, жамоа олдида фидойи ватанпарварларни, юксак фазилатли комил инсонларни вояга етказиш каби улкан вазифалар турибди.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Эзгулик йўлидаги ишларингизга ривож ва муваффақиятлар тилайман.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Бошланғич синф ўқитувчиси Саодат Яхшибоева давлат рамзлари тўғрисида тарбиявий машғулот ўтказяпти. 2. Мактаб директори Мирҳамид МИРАҲМЕДОВ ўғил-қизларга илм масканининг шонли йўли ҳақида сўзлаб бераётир.

Равиль АЛЪБЕКОВ олган суратлар.

Дарсларни кузатганда

БАДИИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ САБОҒИ

Ўқитувчилик завқли, шу билан бирга машаққатли касб. Унинг завқлилиги, айниқса, дарсда билинади. Дарс яхши ўтса, ишлаб чарчамайсиз, меҳнатингиз самарасини кўриб, ҳис этиб баҳри-дилингиз очилади.

Уйчи туманидаги Абу Али ибн Сино номли 22-ўрта мактаб узбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Шоира Саидвалиеванинг дарси ҳам ана шундай завқли, мақтагудек машғулот бўлди. Саломлашилгандан сўнг навбатчи ўқувчи икки нафар ўртоғининг узрли сабаб билан келмаганлиги, бошқа барча ўқувчиларнинг саломатлиги жойидалиги, дарс тинглашга тайёрлигини маълум қилди.

Муаллима ишорати билан дарс болаларнинг Ўзбекистон давлат мадҳиясини хор тарзида қўшиқ қилиб айтиши билан бошланди:

Серқуёш ҳур улкам, элга бахт нажот
Сен узинг дўстларга йўлдош, меҳрибон.
Яшнагай то абад илму фан, ижод
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

Ўқувчиларнинг аввалги дарсларда олган билимлари, ёдлаган шеърлари синовдан ўтказилди. Дарс шеърий мушоирага айланди. Ўқувчилар Алишер Навоий, Бобур, Ҳувайдо, Мужрим Обид, Оғаҳий, Дилшода Барно, Муқимий, хуллас, узбек классик адабиёти вакилларидан тортиб то ҳозирги давр шоирларигача бўлган ижодкорларнинг шеърларидан 1-2 банддан айта бошладилар. Шеърхонлик аввалдан тайёргарлик кўрилгандай ўқитувчиларнинг ҳар қандай курсатмасисиз ўқувчилар ўз навбатида чиройли, ёқимли овоз билан шеърларни ёддан айтдилар.

Шеърхонликда 24 нафар ўқувчининг барчаси иштирок этди. Энг муҳими, болалар шеърларни чин дилдан обдаразга кириб, меъёрига етказиб ўқишга интилди. Мақомига етказиб ўқий олмаганларга эса ўқитувчи камчилигини кўрсатиб, ўзи декламация қилиб турди. Бир минут ичида икки-уч бола шеър ўқир, ортиқча вақт йўқолишига ўрин қолмасди. Шунингдек, дарс жараёнида адабиётшуносликка доир «Муҳаммас нима?», «Қофияни тушунтириш», «Радиф ва равий деганда нимани тушунасиз», «Ташбеҳ ҳақида тушунча беринг» каби ўнлаб саволларга Эъзоза Отамирзаева, Лола Ёқубова, Малика Мадумарова, Озода Бўронова, Замира Акбарова каби ўқувчилар қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтардилар.

Янги мавзу: F. Ғуломнинг «Менинг ўғригина болам» асарини ўқитувчи бир марта ифодали ўқиб берди. Матн устида ишланди. Ўқитувчининг «Ўғригина бола»нинг бирор касби бормиди, нега у ўз касбини қилмай кампирникига ўғирликка тушди», деган саволига ўқувчилар атрофлича жавоб қайтардилар.

Муаллима болаларнинг жавобларидан қониқиш ҳосил қиларкан, мавзуни турмушга боғлаш, бугунги ҳаёт билан қиёслаш мақсадида шогирдларига қуйидаги саволларни берди:

— Ҳозир ҳам ўғрилар борми? Агар бўлса, улар нега ўғирлик қилишяпти?

Хуршида Нишонова: — Ҳозир ҳам ўғрилар бор, лекин улар йўқчиликдан эмас, текиндан осонгина топиб яшашни ўйлаб ўғирлик қилишяпти. Текин бир кунмас бир кун тешиб чиқади.

— Ўғриларга жазо борми?

Лола Ёқубова: — Жазо бор. Айниқса, ҳозир жазо кучли. Милиция ходимлари ҳам яхши ишлаяпти. Шунинг учун ҳам ўғирлик борган сайин камаймоқда.

— Бизда ҳам ишсизлик борми?

Замира Акбарова: — Бизда ишсизлик йўқ ҳисобида. Кимки ишламоқчи бўлса, жамоа хўжаликларда, фермер хўжаликларида, фирмаларда ишлаши мумкин. Бундан ташқари, бизда адирликлар бор. Ишсизлар деҳқончилик билан шуғулланса бўлади. Муҳими, кимки ҳунарли бўлса, у хор бўлмайди.

Шундан сўнг ўқитувчи юқоридаги саволларни умумлаштира туриб деди:

— Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов 1995 йил 26 декабрь куни 1996 йилни «Амур Темур йили» деб эълон қилиш тўғрисида фармон чиқардилар. Амир Темур ер юзида биринчи бор нафақани (пенсияни) жорий этган. Президентимиз ҳам энг биринчи хайрли ишлари нафақахўрлар аҳволини яхшилашдан бошлаган эдилар.

Амир Темур даврида қароқчию ўғрининг пайи қирқилган, умуман шундай шахслар, ҳаттоки, гадойлар ҳам бўлмаган. Темур гадойни-да ўрганиб, лозим бўлса, унга ҳам нафақа берган. Шу тариқа Амир Темур давлатида ғадойчилик қилишга йўл қўйилмаган.

Президентимиз И. А. Каримовнинг мақсади ҳам Ўзбекистонни дунёнинг савдо марказига айлантириш, юртимизда маъмурчиликни таъминлаш.

Муаллима Шоира Саидвалиева жуда тадбиркорлик, маҳорат ила мавзуни шу кунининг ҳаёти ва муаммоси билан боғладики, биз унинг бу ҳаракатидан қониқиш ҳосил қилдик.

Шундан сўнг муаллима «Воқеий ҳикоя деганда нимани тушунасиз?». «Кампир розилик билдирса-да, ўғри нега бир ярим пудлик қозонни олиб кетмади». «Ўғри билан кампир нега беозор гаплашди». «Ҳикояда порахўрлик қандай фош қилинган», «Ҳикояга нега «Менинг ўғригина болам», деб ном қўйилган», «Ҳамма хунарнинг ҳам ўзининг мўрт гардони бўлар экан» деган жумлаларни қандай изоҳлайсиз» каби саволларга жавоб топиб келишни вазифа қилиб берди.

Дарс ўқувчиларнинг лапарли «Лолача» қўшиғи билан якунланди. Сирасини айтганда, адабиёт дарси нафосат дарси. Бу дарсда ўқувчиларнинг маънавий олами бойитилиши билан бирга, ижтимоий қиёфаси ҳам шакллантирила борилади, болаларда яхшиликка рағбат уйғотилади, эзгу-ҳислар тарбияланади.

Шоира Саидвалиеванинг дарс давомида ўқувчиларни ўзига тўла торта олиши, дарснинг булимларини тўғри тақсимлай олиши, вақтдан унумли фойдаланиши бизни қувонтирди... Ёш муаллима ана шундай ибратли дарслари билан шогирдлар дилидан мустаҳкам ўрин олишига шак-шубҳа қилмайди киши.

Нилуфар РАСУЛОВА, Наманган вилояти Уйчи туманидаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси.

«ЁШЛИК»КА ҚАЙТГАН КУН

Ҳаёт — оқар дарё, уни орқага қайтариб бўлмайди, дейишади. Йўқ, баъзан қайтарса ҳам бўларкан. Ўттиз йилдан кейинги синфдошлар учрашувида бунинг гувоҳи бўлдим. Гарчи эллик ёшларни қоралаб қолсак-да, шу куни 16-17 яшар йигит-қизларга айландик, ширин орзуларга тўлиқ ёшликка қайтдик. Сочлар кумушранг бўлиб сийраклашган, турмуш ташвишлари пешанада чизиқлар ҳосил қилган бўлса-да, кўнгил ҳали ҳам ўша — ёшлигича қолибди.

Суҳбат қизиган. Синфдошларни секин кузата бошладим. Холматни ҳали ҳам шўҳлиги қолмабди: қизларга «тегажоғлик» қилмоқда. Мансур эса гапини ёнидаги Абдуқодирга маъқулламоқда, баъзан хохолаб кулиб ҳам қўяди. Раҳмонали ўшанда ҳам эртанинг ташвиши билан юрарди. Ҳозир ҳам яқин кунларда қилиши лозим бўлган ишларни режалаб, хаёл суриб ўтирибди. Дилбарни ўша соддалиги тарк этмабди. Гавҳар босиқлиги, оғир табиатлилиги билан алоҳида ажралиб турибди. Солия ҳали ҳам ўшандай — хурсанд. Ленорани феруза кўзлари ўттиз йилдан олдин қандай бўлса, ўшандай порлаб турибди. Мавлудани гўзаллик тарк этмабди, ўзига хос жарангдор овози ҳам ўзгармабди. Яна буларнинг қайси бирини айтай. Ҳаммаси илгари қандай бўлса шундай. Ўша Малика, ўша Салима, Шарофат, Гулсора!..

Ўн йилдан кейин яна учрашишга келишиб олдик. Насиб қилса, ўшанда кўпчилигимиз нафақада бўлар эканмиз. Хайрлашиш оғир бўлди. Фақат қизларимизда эмас, йигитларимизнинг кўзларида ҳам ёш кўрдим. Барчамизнинг кўнглимизда: «Ишқилиб учрашиш насиб қилсин-да», деган ният билан бирга қандайдир хавотир ҳам уйғонган эди. Ахир, шу давр ичида Тиловолди, Маҳмудали, Талъат, Юсуфжон каби синфдошларимиздан айрилдик. Аллоҳ уларнинг охиратини обод қилсин. Ҳаёт бешафқат, ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин. Ким билади, кейинги учрашувгача яна... Йўқ, инсон яхши ният билан яшаши керак. Қаторимиздан камаймай, барчамиз соғ-саломат бўлайлик.

Қосимжон СОЛИЕВ, Бешариқ туманидаги 33-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси.

1996 йил — Амир Темур йили

ТЕМУРНИНГ ЁШЛИГИ

Олимлар Соҳибқироннинг таржимаи ҳолига, хусусан болалик ва ўсмирлик даврларига оид XVII-XX аср бошларигача ёзилган форсий ва туркий асарларда ҳужжатлиликдан кўра нақлий йўналиш устунроқ бўла бошлаган, деб таъкидлайдилар. Айниқса, бу даврларга оид «Темурнома»лар (1712 йилда ёзилган, муаллифи аниқланмаган форсий «Темурнома», 1792 йили ёзилган «Куллиёти Темурнома», 1907 йили ёзилган Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома»си)да ана шундай хусусиятлар бўртиб кўринади. Аммо бу «Темурнома»ларни фақат нақллардан, ривоятлардан тузилган деб тушунмаслигимиз керак, уларда ҳам тарихий ҳақиқатнинг зарралари мужассам. Бизнингча, бу «Темурнома»лар халқнинг бадиий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, «Жангномалар», халқ китоблари услубида ёзилган, холос. Бу асарларда Соҳибқироннинг болалиги ва ўсмирлиги билан боғлиқ ажойиб воқеалар баён қилинади.

Бу ўринда Амир Темур Кўрагоннинг «Ўз аҳвол ва атвори, юруш ва кунуши, мусолиҳа ва муҳориба воқиъотини туркий луғот бирлон ёзғон китоби», яъни қисқача номи «Таржимаи ҳол» ҳамда салкам минг саҳифадан тузилган «Мен — фотиҳ Темур» асарларини алоҳида эслатмоқчимиз. Бу асарлар аслида форс тилида ёзилган. Чунки, ўша замонлар тақозосига кўра, араб тили Қуръон, Ҳадис ва шариат тили бўлса, форс тили давлат тили мақомида олиму фозиллар, шоиру санъаткорлар тили эди. Шу боис Соҳибқирон ҳаёти ҳақида ёзилган асарларнинг кўпчилиги, жумладан, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Муъинуддин Натанзий, Ҳондамир, Давлатшоҳ Самарқандий, Ҳофизи Абру, Мирхонд асарлари форс тилида ёзилди. Юқорида эслатилган «Таржимаи ҳол» ҳам аслида форс тилида яратилган. Уни Ҳўқанд хони Саид Муҳаммад Алихон (Маъдалихон) фармонига кўра, 1832 йили Набижон Хатиф Хўжандий ўзбекчага ўгирган. Бу таржима қўлёзмасини 1891 йили Н. П. Остроумов нашр этади. 1894 йили Н. Ликошина шу нашр асосида русча таржимасини Тошкентда чоп эттиради. («Автобиография Тамерлана». Перевод с тюркского Нила Ликошина, Ташкент, 1894 г.)

(Давоми. Боши газетанинг 72-сонида).

Соҳибқирон ҳаёти, ҳарбу зарбларини дарж этган энг аввалги тарихчиларнинг асарларида унинг болалиги ва ўсмирлиги ҳақида баённомалар кам бўлгани ҳолда форсий ва туркий «Темурнома»ларда, хусусан «Таржимаи ҳол»да унинг ёшлик йиллари ҳақида анча муфассал маълумотларга дуч келамиз. Айтиш жоизки, рус тарихчилари бу «Темурнома»лар ва «Таржимаи ҳол»дан бехабар бўлганлари учун ёхуд атайлаб Соҳибқиронни саводсиз қилиб кўрсатишга уринганлар. Бир қиёс: улар «саводхонлик»ни ўз қаричлари билан ўлчаб, «Туркистон халқлари Октябрь инқилобигача тўқсон саккиз фоизи саводсиз бўлган, икки фоиз аҳоли саводхон бўлган» деган туҳмат гапларни етмиш йил мобайнида қулоғимизга қуйиб келдилар. Аслида Туркистонда саводхонлик Россияга нисбатан бир неча баробар баланд бўлганини Ҳамид Зиёев, Ҳайдар Бобобеков, Ҳамдам Содиқов каби тарихчиларнинг тадқиқотларидан яхши биламиз. «Саводхонлик» муаммоси Соҳибқиронга ҳам шу усулда ёндошилган, холос...

Мовароуннаҳрда илк ўрта асрларда шаклланган мусулмон мадрасалари ва бошланғич таълим мактаблари Соҳибқирон даврида айни гуллаган пайти эди. Ана шу анъанага кўра Кеш, Бухоро, Насаф, Самарқанд, Термиз, Марв, Тошкент, Урганч шаҳарларида таълим олган юзлаб олимлар жаҳон илм-фанига шунчалар катта ҳисса қўшдиларки, буни бугунги кунда ҳар бир одам яхши билади. Соҳибқироннинг Қуръон, фалакиёт, фиқҳ, тарих, жуғрофия каби диний ва дунёвий илмларни пухта билганликлари замондош тарихчиларнинг асарларида етарлича қайд этилган.

Соҳибқирон «Таржимаи ҳол»да ўз ёшликлари ҳақида шундай ёзадилар: «Мен етти ёшга тўлганимда мени мадрасага топширишди ва қўлимга сўзлар жадвалини тутқазишди; мен ўқиш бошладим ва эришган муваффақиятларимдан ғоят севинчга тўлдим.

Мен тўққиз ёшга тўлганимда беш вақт намозни ўргандим ва мактабдаги барча ўқувчиларга бошлиқ бўлиб олдим. Мен қатнашган барча йиғинларда уламолар яқинига ўтиришга ҳаракат қилардим ва тиз чўкиб ўтирардим: катталарга нисбатан шундай ҳурмат бажо келтиришни ўзимга одат қилиб олдим»...

Кўринадики, Темурбек мадрасага келишидан олдин ҳарф танийдиган бўлган. Шунинг учун жадвалдаги сўзларни ўқий олган. Қадим Мовароуннаҳр ва Хуросон мадраса-мактабларида болани ўқишга ўргатишдан олдин қоғоз, тери ёки тахтакача энг осон сўзларни жадвал тарзида жойлаштириб, илк саводни шу тарзда чиқаришган. Темурбек ҳам илк саводини ана шу жадвалдан чиқарган.

Юқоридаги баёндан яна шу нарса аёнлашадики, Темурбекнинг илм-фан ва уламолар олдида тан бериши унинг болалик йилларидан бошланган экан. Шу тариқа Соҳибқиронда илм-фанга муҳаббат умр бўйи сақланиб қолди, у йирик салтанат соҳиби бўлгандан сўнг ҳам илм аҳлига шарт-шароит яратиб, уларни доимо қўллаб-қувватлаб турди.

Соҳибқироннинг болалик ва ўсмирлик даври ўта исломий оилада кечди. Аслида Соҳибқироннинг оналари Тегинабегимнинг оталари Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ҳазратларининг Бухорода шариат илмининг пешволаридан бири экани ҳам болага исломий тарбия беришга асосий туртки эди. Бунинг устига оталари Тарағай Баҳодирнинг ўта художўйлиги, тақводор мусулмон киши бўлганликлари, ўша даврнинг уламою фозиллари билан жуда яқин муносабатда эканликлари ҳам Соҳибқироннинг исломий таълим-тарбия олишлари учун зарур мезон бўлган. Тарағай Баҳодир пирлари Шамсиддин Кулол ҳазратлари билан яқин дўст, ҳамфикр, ҳамнишин эдилар. Шамсиддин Кулол каби улуғ зотларга ҳурмат-эътибор Темурбекка оталаридан ўтган.

«Таржимаи ҳол»да Соҳибқироннинг болалик ва ўсмирлик даврларида ҳазрат Шамсиддин Кулол билан бир неча марта учрашганлари айтилади. Темурбек бир сафар шайх ҳузурларига келганда, у киши муридлари билан зикр тушаётган эканлар. Темурбек дарвешлар рақсу симоъсига маҳлиё бўлиб, зикр тушишини тоқат билан бир чеккада кузатиб, кутиб туради. Шайх бу ёш ўғлоннинг ҳурмати ва сабр-тоқатига қойил қолиб, унинг ҳақига дуо қилади. Кейинчалик Соҳибқирон пирларининг ана шу дуоларининг ижобатини кўрдим, дейди.

«...Ҳазрат амир Кулолнинг ҳузурларига бордим, — деб ёзадилар Соҳибқирон «Таржимаи ҳол»да, — Унинг олдига келиб амирнинг уйидаги обрўли одамлар орасида ўтирдим. Амир Кулол дарҳол менга нигоҳ ташлаб, ёнида ўтирганларга, гарчанд мен кўринишдан бечораҳол ва нодонга ўхшасам ҳам аслида жуда бадавлат эканлигимни айтди. Амир бошини эгиб бир муддат жим қолди. Сўнг бошини кўтарди-да, олдидаги нон ва ҳолвани менга бериб деди:

— Мана шу еттита нонни егин, шунда сен ернинг етти иқлимига, бутун дунёга ҳоким бўласан.

Мен бу сўзлардан ҳайратландим, ўтирганлар ҳам ҳайрон бўлишди.

Амир Кулолдан олган еттита нонни отам амир Тарағайга юбордим, лекин у нонларни олмасдан ўзимга қайтариб юборди ва Амир Кулол — авлиё, унинг айтганлари, албатта, амалга ошади, деди.

Мен нонларни эҳтиёт қилдим; бу менга Аллоҳ ато этган баракотининг бошланиши эди.»

Шундай қилиб, Соҳибқироннинг болалиги оила даврасидан ташқари масжид-мадраса ва хонақоларда, Шамсиддин Кулол ҳузурларида ўқув, таълим ва тарбия, суҳбатларда кечди. Соҳибқирон ўсмир ёшга етмасданоқ Қуръони Каримни ёд билган, уламолар унинг қувваи ҳофизаси кучли бўлгани учун «ҳофизи Қуръон» дея тавозеъ кўрсатишган.

Соҳибқирон «Таржимаи ҳол»да Шамсиддин Кулол ҳазратлари билан боғлиқ болаликда кечган яна бир ривоятни келтиради: «Бир куни отам амир Тарағай Амир Кулолнинг олдига борган эди, у отамга дебди:

— Аллоҳ сенга Темурдек ўғил бергани билан сени муборакбод этамиз.

Кейин у отамга бир ҳовуч буғдой билан майиз берибди. Отам уларни санаса ҳаммаси уч юз етмиш дона экан. Амир отамга дебди:

— Ана шу сон сенинг авлодларингнинг сонини билдиради.

Авлиё Амир Кулол отамга берган донларни ҳам беркитиб қўйдим: менинг бойлигим орта борди. Шу воқеаларнинг ҳаммасини онамга айтдим. Онам Аллоҳга шукр этиб, ўзи Амир Кулолнинг олдига борди. У онамга айтибди.

— Эй хотун! Сенинг ўғлунг дунёга ҳоким бўладур, уч юз етмиш авлоди қудратли бўладур, шундан етмиши подшоҳлик қиладур. Агар у Расулуллоҳ шариати бирла иш тутса ва унинг руҳини озурда қилмаса, подшоҳлар кўпроқ бўлиши ҳам мумкин.

Онам қайтиб келганидан сўнг авлиё Амир Кулолдан эшитган барча нарсаларини менга айтиб берди, мен ҳам умр бўйи шариатнинг барча шартларини қатъий бажаришга қарор қилдим». (Амир Темур Кўрагон, «Зафар йўли», 1992, 34-саҳифа)

Болаларга хос ўйинқароқлик, кўчада чопишлар, тенгқурлар билан талашиш-тортишишлар Соҳибқиронга ҳам бегона бўлмаган, албатта. Соҳибқирон ўша болаликдаги дўстларини унутмаганларини «Таржимаи ҳол»да шундай қайд этадилар: «Кўчада мен болалар билан ўйнардим. Болалар билан урушуруш ўйнаб, ўзимни амир этиб тайинлардим-да, ўйинни бошқарардим ва болаларнинг бир гуруҳини иккинчи гуруҳи билан уруштиришни машқ қилардим.

Ўн икки ёшга тўлганимда болаларча ўйинлардан орланадиган бўлдим ва вақтимни ўзимга тенгқур ўспиринлар билан ўтказишга ҳаракат қилдим.

Етти ёшимдан етмиш ёшимгача умр буйи камбағалларга инъом ва хайр-эҳсонлар қилдим. Бир марта кийган кийимимни иккинчи марта киймас эдим, уни камбағалларга ҳадя қилардим. Мен қудрат ва шуҳратга эришганимда болалигимдаги дўстларимнинг мавқеини кўтардим, улуғладим. Ҳар куни бир қўйни камбағаллар учун сўйдирардим; уни етти нимта қилиб, аҳволи ночорларга улаштирардим». (31-саҳ.)

Ғуломхон ҒАФУРОВ,
ТошДУ доценти.

РАСМИЙ БЎЛИМ

ЛОЙИҲА

ЯНГИ ТУРДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ҚАБУЛ ҲАЙЪАТИ ҲАҚИДА НИЗОМ

1. Янги турдаги таълим муассасаларининг қабул ҳайъати ҳар йили муассасанинг йўналиши ва соҳаларига қизиққан ва уларга мойиллиги бўлган ўқувчиларни қабул қилиш мақсадида тузилади.

2. Қабул ҳайъати ўз фаолиятини янги турдаги таълим муассасасига (лицей, гимназия, иқтидорли ўқувчилар интернати ва айрим фанларни чуқур ўргатадиган мактаблар) қабул қоидалари талабларига биноан олиб боради.

3. Қабул ҳайъати зиммасига қуйидаги вазифалар юкланади:

3.1. Ўқувчилар, ота-оналар ва кенг жамоатчилик ўртасида янги турдаги муассаса фаолияти ҳақида тарғибот ишларини олиб бориш, муассаса ҳақида турли хилдаги маълумотларни нашр қилиш ва оммалаштириш;

3.2. Фанлар бўйича ўтказиладиган танловлар (тест, суҳбат ва бошқалар) олдидан мутахассислар маслаҳатларини ташкил қилиш;

3.3. Ҳужжатларни қабул қилиш, расмийлаштириш ва сақлаш, даъвогарларни танловга қўйиш ҳақида қарор қабул қилиш;

3.4. Даъвогарлар танловини ўтказиш ва синовлардан муваффақиятли ўтганларини ўқувчилар сафига қабул қилиш ҳақида муассаса раҳбариятига таклиф киритиш;

3.5. Фанлар бўйича имтиҳон ҳайъатини ташкил қилиш ва улар фаолиятини назорат қилиш ва йўналтириб бориш;

3.6. Қабул якунларини таҳлил қилиш, умумлаштириш ва муассаса педагогика кенгаши муҳокамасига киритиш.

4. Қабул ҳайъати аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини янги турдаги таълим муассасаларига қабул қоидаларининг бажарилишига масъул бўлган муассаса директори ҳамда ушбу ҳайъат раиси белгилайди.

Педагоглар жамоасидаги тажрибали ва малакали ўқитувчилардан қабулни ўтказиш даври учун қабул ҳайъати котиби тайинланади.

5. Қабул ҳайъатининг ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилиб ҳайъат раиси ва котиби томонидан тасдиқланади.

6. Фанлар бўйича имтиҳон ҳайъати раиси, муассасанинг малакали ходимлари ва таклиф қилинган мутахассислар (логопед, руҳшунос, тиббиёт ходимлари ва бошқалар)дан иборат аъзолари муассаса директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

7. Танловни ўтказиш жадвали муассаса директори томонидан тасдиқланади. Танлов (ёзма, оғзаки, тест ва бошқалар) бир гуруҳда бир кунда фақат битта фан бўйича ўтказилиши керак.

8. Танловнинг шакли, услублари (оғзаки ёки ёзма имтиҳон, суҳбат ва бошқалар) ва уларнинг мазмуни муассаса методик кенгаши томонидан тузилади ҳамда директор томонидан тасдиқланади.

9. Ёзма ишлар матни (диктант ёки баён) умумтаълим мактаблари учун белгиланган мезон асосида бўлади ва директори томонидан тасдиқланади.

10. Гимназияларга танловни ўтказишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, 3—4 кунга режалаштирилган жадвал асосида 4—5 кишилик гуруҳ шаклида ўтказилади. Лицей ва айрим фанларни чуқур ўргатадиган мактабларда бу гуруҳлар 20—25 кишидан иборат бўлиши мумкин.

11. Танловни ўтказиш жараёнида қабул ҳайъати раисининг руҳсатисиз танловга алоқадор бўлмаган кишиларнинг иштирок этиши таъқиқланади.

12. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари (гимназияларда) ва муассасанинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиб танлов ҳайъати аъзолигига логопед, руҳшунос, тиббиёт ходими ва малакали ўқитувчилар киритилиши лозим.

Танлов оғзаки шаклда ўтадиган тақдирда танлов ҳайъати аъзолари 2 киши, ёзма шаклда ўтадиган бўлса 3 кишидан иборат бўлиши керак.

Тест синовларида эса техника воситаларидан унумли фойдаланилган ҳолда 2 кишидан иборат имтиҳон ҳайъати аъзолари бўлиши лозим.

13. Танлов ўқувчилар билимига қўйиладиган баҳо мезонлари (100 ва бошқа балл тизими) қабул ҳайъати томонидан белгиланади.

Даъвогарларнинг танловда кўрсатган натижалари баҳолар жадвалига ёзилади ва имтиҳон ҳайъати аъзолари томонидан тасдиқланади.

Ёзма имтиҳон ишлари ҳамда оғзаки имтиҳонга тайёрланиш бўйича варақалар муассасанинг 4 бурчакли штампи билан муҳрланган бўлиши шарт.

Муҳрланган варақалар имтиҳон аъзоларига берилгунга қадар масъул котибда сақланади ва қатъий ҳисобда туриши лозим.

Текширилган ишлар ва оғзаки имтиҳондан фойдаланилган варақалар, электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида ўтказилган тест синов натижаларининг дискетларини сақлаш учун жавобгар шахс масъул котиб ҳисобланади.

15. Ёзма ишни белгиланган вақтда бажара олмаганлар ўз ишларини тугалланмаган ҳолда имтиҳон ҳайъатига топширадилар. ЭҲМда ўтказилган тест синовларида ҳам белгиланган вақтдан сўнг даъвогарлар имтиҳон хоналарини бўшатишлари шарт.

16. Ёзма иш натижалари имтиҳон ҳайъати аъзолари томонидан фақат ўқув муассасасида белгиланган хоналарда текширилади.

17. Имтиҳон олувчилар томонидан қўйилган баҳо баъзи сабабларга кўра ўзгартириладиган бўлса, имтиҳон ҳайъати раиси томонидан имзоланиши ва қабул ҳайъати қарори билан тасдиқланиши шарт.

18. Танловдан муваффақиятли ўтган даъвогарларнинг ёзма ишлари уларнинг шахсий варақаларида сақланади.

19. Танловдан ўта олмаган ўқувчиларнинг ёзма ишлари ва бошқа имтиҳон материаллари ўқув йили бошланганидан 6 ойгача ўқув муассасасида сақланади.

20. Танловда олинган ёзма ишлар ва уларни текшириш учун берилган вақт умумтаълим мактабларида белгиланган тартибда юритилади.

Махсус ва бошқа фанлардан ўтказиладиган ёзма ишлар, тест синовлари ва суҳбатлар учун вақтни ўқув муассасаси туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари билан келишилган ҳолда белгилайди.

Мутахассислар (логопед, руҳшунос ва малакали ўқитувчилар) билан ўтказиладиган суҳбат, конструкциялаш ва бошқа топшириқлар ҳамда оғзаки имтиҳонлар учун ажратилган вақт 5—16 минут қилиб белгиланади.

21. Қабул ҳайъати раиси, котиби ва ҳайъат аъзоларига муассасанинг маошлари фонди доирасида қўшимча ҳақ берилади. Қўшимча ҳақ миқдори туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари билан келишилган ҳолда муассаса директори томонидан белгиланади.

22. Танловнинг қайта топширилишига йўл қўйилмайди. Дастлабки танловда муассасада (фақат лицейда) белгиланган мезон талабларига жавоб бермаган кўрсаткичларга эга бўлган ҳамда имтиҳонга узрсиз сабаб билан келмаган даъвогарлар кейинги танловга киритилмайди.

23. Танлов натижаларидан норози бўлган даъвогарлар ёки уларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчилар) қабул ҳайъатига белгиланган муддатда арз қилишлари мумкин.

Аризаларни кўриш вақтида қўшимча саволлар берилишига йўл қўйилмайди.

Ариза (аппеляция) бўйича олиб борилган иш натижалари норозилик билдирилган куннинг эртасигаёқ даъвогарларга маълум қилинади.

24. Қабул ҳайъатининг ўқувчилар сафига қабул қилиш ҳақидаги қарори таълим муассасаси директорига тегишли буйруқ қабул қилиш учун берилади.

Қабул ҳайъатининг қарорига асосан, муассаса директори танловдан ўтганларни ўқувчилар сафига қабул қилиш ҳақида буйруқ чиқаради.

Қабул қилинганлар рўйхати ота-оналар ва ўқувчиларга ёзма равишда эълон қилинади.

Умумий ўрта таълим
Бош бошқармаси.

ЛОЙИҲА

ЎҚУВЧИЛАРНИ ЛИЦЕЙГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Лицей узлуксиз таълим тизимидаги бўғин бўлиб, ўқувчиларга III босқич ўрта таълим берувчи йўналишли ҳисобланган ҳуқуқий муассасадир.

Ушбу муассасада иқтисодиёт, техника, ҳуқуқ, тиббиёт, маданият, санъат ва бошқа соҳалар бўйича ҳамда айрим умумтаълим фанларини чуқурлаштирилган дастурлар асосида билим берилади.

I. ҚАБУЛ ШАРТЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва бошқа вазирлик ҳамда тасарруфидаги лицейларга таянч таълимнинг IX синф маълумотига эга бўлган ўсмир ва қизлар қабул қилинади. Таянч маълумотга эга бўлмаган ўқувчиларни қабул қилиш фақат Халқ таълими вазирлиги рухсати бўлган лицейларда амалга оширилади.

2. Қабул қилинувчилар ижтимоий келиб чиқиши, жинси, тили, миллати ва эътиқодидан қатъи назар тенг ҳуқуқлидир.

3. Лицейга кирувчилар лицейнинг қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

— директор номига ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг розиликлари кўрсатилган шахсий ариза;

— туғилганлик ҳақида гувоҳнома;

— 086/У формадаги тиббий маълумотнома;

— ота-онасининг иш жойидан маълумотнома;

— 3/4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Ҳарбий лицейларга кирувчилар лицей қабул комиссияси томонидан белгиланган бошқа маълумотларни тақдим қилишлари керак.

II. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4. Лицейнинг қабул ҳайъати даъвогарларнинг ҳужжатларини ўқув йили тугаганидан сўнг қабул қилади. Қабул синовлари (ёзма имтиҳон ёки тест синовлари) қабул ҳайъатининг туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари билан келишиб тасдиқланган жадвали асосида 10-30 июнь ва 5-25 август кунлари ичида ўтказилади.

5. Лицейнинг қабул ҳайъати томонидан тузилган қабул синовларининг (фақат фанлар бўйича тест ёки ёзма иш шаклида) мазмуни ва шакли лицей директори томонидан тасдиқланади.

6. Қабул синовлари мазкур муассасада ўқиш олиб бориладиган тилда ўтказилади. Танлов умумтаълим фанлари дастурлари асосида бўлиши таъминланади.

7. Ўқувчилар қабул синовда (ёзма иш ёки тест синови)да тўплаган умумий баллари бўйича қабул қилинадилар. Қабул қилинувчилар билимини баҳолаш мезони қабул ҳайъати томонидан белгиланган 100 балли тизим асосида ўтказилади.

8. Даъвогарларнинг умумий баллари тенг бўлиб қолган ҳолда қуйидаги шахслар имтиёзга эга:

— етим болалар ҳамда ота-онасининг қаровисиз қолган болалар;

— кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари.

9. Танловдан муваффақиятли ўтган даъвогарлар муассаса директорининг синовлар тугагандан сўнг 15 кун ичида қабул қилган буйруғига асосан лицей ўқувчилари сафига киритилади.

10. Ўқув йили давомида оилавий ва бошқа шароитларга кўра яшаш жойини ўзгартирган турдош лицей ўқувчилари ёки лицей талабларига жавоб берадиган умумтаълим мактабларининг ўқувчилари қабул ҳайъати қарори билан (бўш бўлган тақдирда) лицейга қабул қилиниши мумкин.

11. Лицейга ўқувчиларни қабул қилишнинг шакл ва услублари ҳақидаги маълумотлар муассаса қабул ҳайъати томонидан қабул бошланишидан 5-6 ой олдин умумтаълим мактаблари ва ота-оналарга оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

Қабулни сермазмун ва унумли ўтказиш учун лицей қошида тайёрлов курслари ташкил қилиниши мумкин.

12. Ярим йиллик ёки йил якуни бўйича ўтказилган синовларда билим даражаси лицей талабларига жавоб бермаган ўқувчилар умумтаълим мактабларига қайтариб юборилади. Ўқув йилининг биринчи ва учинчи чораги давомида лицей талабида ўзлаштира олмаган ўқувчиларни мактабларига қайтариб юбориш ҳамда умумтаълим мактабларининг битирувчи синф ўқувчиларини лицейга қабул қилишга йўл қўйилмайди.

13. Ўқувчиларни лицейга қабул масалаларига тегишли ота-оналар, ўқувчиларнинг хат ва шикоятлари лицейнинг қабул ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.

Умумий ўрта таълим
Бош бошқармаси

ЎҚУВЧИЛАРНИ ГИМНАЗИЯГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Гимназия иқтидорли ўқувчиларга I—XI синф ҳажмида барча умумтаълим фанларини давлат таълими стандартларига нисбатан кенгайтирилган ҳолда билим берадиган ўқув муассасасидир.

Гимназиянинг моддий техника базаси ва кадрлар билан таъминланганлигига қараб ўқувчиларнинг хоҳиш ва истаклари бўйича II ва III босқич таълимида йўналишли билимлар (педагогика, иқтисод, адабиёт, санъат, мусиқа ва бошқалар) берилади.

Гимназиянинг биринчи синфига муассасада белгиланган мезон талабида тузилган танлов асосида ўқувчилар қабул қилинади.

I. ҚАБУЛ ШАРТЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги гимназияларга (биринчи навбатда шу ҳудудда яшовчи) мактаб ёшига етган ўқувчилар қабул қилинади.

2. Қабул қилинувчилар ижтимоий келиб чиқиши, жинси, тили, миллати ва эътиқодидан қатъи назар тенг ҳуқуқлидир.

3. Гимназияларга кирувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

— даъвогарнинг туғилганлик ҳақида гувоҳномаси;

— даъвогарнинг соғлиги тўғрисида далолатнома;

— ота-онасининг яшаш ва иш жойидан маълумотнома.

II. ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4. Гимназиянинг қабул ҳайъати даъвогарларнинг ҳужжатларини ўқув йили тугаганидан сўнг қабул қилади. Қабул синовлари (суҳбат ва бошқа синовлар) қабул ҳайъатининг туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари билан келишиб тасдиқланган жадвали асосида 10—30 июнь ва 5—25 август кунлари ичида ўтказилади.

5. Гимназиянинг қабул ҳайъати томонидан тузилган танловнинг шакл ва услублари (алоҳида йўналишлар бўйича оғзаки синовлар, конструкциялаш, нутқ, ритмика, математик ҳисоблар ва бошқалар) ва уларнинг мазмуни туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари билан келишилган ҳолда гимназия директори томонидан тасдиқланади.

6. Ўқувчиларни гимназияга қабул қилиш синовлари мазкур муассасада ўқиш олиб бориладиган тилда ўтказилади.

7. Ўқувчилар гимназияга қабул синовлари (суҳбат ва бошқалар)да тўплаган умумий баллари бўйича қабул қилинадилар. Уларнинг билимини баҳолаш мезони қабул ҳайъати томонидан белгиланган 5 ёки кўп балли тизим асосида ўтказилади.

Даъвогарларнинг умумий баллари тенг бўлиб қолган ҳолда қуйидаги шахслар имтиёзга эга:

— етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар;

— кўп болали ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари;

— гимназия жойлашган ҳудудда яшовчи болалар.

8. Танловдан муваффақиятли ўтган мактаб ёшидаги болалар гимназия директорининг бўйруғига асосан 1-синф ўқувчилари сафига қабул қилинадилар.

9. Ўқув йили давомида оилавий ва бошқа шароитларга кўра яшаш жойини ўзгартирган турдош гимназиялар ўқувчилари ёки гимназия талабларига жавоб берадиган умумтаълим мактабларининг иқтидорли ўқувчилари қабул ҳайъати қарори билан (бўш ўрин бўлган тақдирда) гимназияга қабул қилиниши мумкин.

10. Гимназияга ўқувчиларни қабул қилишнинг шакл ва услублари ҳақидаги маълумотлар муассаса қабул ҳайъати томонидан қабул бошланишидан 7—8 ой аввал мактабгача тарбия муассасалари ва ота-оналарга оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

Қабулни сермазмун ва унумли ўтказиш учун мактабгача тарбия муассасалари билан ҳамкорликда тайёрлов курслари ёки ота-оналарга маслаҳат кенгашларини ташкил қилиш мумкин.

11. Қабулга тааллуқли бўлган барча масалалар гимназиянинг қабул ҳайъати ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан кўриб чиқилади.

Умумий ўрта таълим
Бош бошқармаси.

ТАҲРИРИЯТДАН

Аввалги сонларимиздан бирида ваъда қилганимиздек юқоридаги Низом ва қоидалар лойиҳасини эътиборингизга ҳавола қилдик. Албатта, янги ўқув муассасалари, хусусан, гимназия ва лицейларда ишлайдиган, унинг фаолияти билан шуғулланадиган мутахассисларда фикр туғилиши табиий ҳол.

Сизнинг фикрларингиз Низом ва қоидаларнинг мукаммаллашувига хизмат қилишини унутманг, азизлар!

Мулоҳазаларни қуйидаги манзилга юборишингизни сураймиз:

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ БОШ БОШҚАРМАСИ.

Маълумот учун телефонлар:
39-19-59, 39-19-70, 39-43-11.

Дил изҳори

МУАЛЛИМА ТОПҒАН БАХТ

Бу оқсоч гардунда бир вужуд бормиш. У продаси-ла тоғларни кўтарармиш. У вужудда бир юрак бормиш. У эзгулик тимсоли эмиш. Бу вужуд — аёлмиш...

Ойниса опа, бу чиройли гапларни сизнинг таржимаи ҳолингизни ўқиб ёздим. Бир-бирини қувиб ўтган учқур йилларнинг чеҳрангизда қолдирган изларидан топиб ёздим.

Дарвоқе, Ойниса опа Иботова 25 йилдирки, Зангиота туманидаги 33-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси сифатида болаларга таълим-тарбия бериб келмоқда. Бугун республика халқ таълими аълочиси, тўрт фарзанднинг севимли онаси.

— Эҳ йиллар шунчалик елдирим, кунлар шунчалик тезобки, гўёки учқур бедовларга ўхшайди. Бу бедовлар туёқларидан чиққан тўзонлар ўтмиш дейилади, тарих деб юритилади. Кечагина ушбу даргоҳ дарвозасидан нечоғлик ҳаяжонлар исканжасида кириб келгандим. Воажаб! Бугун менинг шогирдларим шу аснода бу масканга кириб келяпти. Бу мен учун бахт! Бу мен учун фахр!

Сиз Ойниса опанинг ҳаяжонли гапларини тингладингиз. Чиндан ҳам бу жонкуяр муаллима бугун ўнлаб шогирдлар қуршовида ишлаяпти. Мен ҳам Ойниса опа шогирдларининг баъзиларини шоира сифатида танийман. Бу жумла исботи учун шоира Мақсуда Ҳайитбоевани тилга олишим мумкин. Ёки Феруза Асомова, Муҳайё Шамсиева, Наргиза Солиҳўжаева... Бу исм-фамилияларни ҳали кўплаб давом эттириш мумкин.

Мухтасар гап. Мен бу муаллима ҳақида бошқалардек эҳтиросли гаплар топиб ёзолмадим. Ким билсин, эҳтимол, Ойниса опанинг таърифу тавсифи гўзал сўзлар қолипига сиғмагандир.

Алишер НАЗАР.

Суратли лавҳа

Юз-кўзларидан табассум балқиб турган, меҳнати маҳсулидан мамнум бу аёллар фарғоналик ижодкор тарбиячилардир. Улар «Севимли ўйинчоқлар» кўрик-танловида «Шарқ бозори» композицияси билан қатнашиб биринчи ўрин соҳибаси бўлдилар.

СУРАТЛАРНИ: Рашид ГАЛИЕВ олган.

«Севимли ўйинчоқлар» республика кўрик-танлови

ЎЙНАБ-ЎЙНАБ ЯЙРАСИН, ҚУВНАБ-ҚУВНАБ ЎЙЛАСИН...

Ўйинчоқ ўйнаётган боланинг руҳий ҳолатини ҳеч кузатганмисиз? Бу пайтда эндигина атак-чечак юраётган гўдак ҳам ўзини худди катта одамлардек тутишга ҳаракат қилади, ўйнаётган қўғирчоғига худди энг яқин дўстига мурожаат қилгандек муомалада бўлади. Ўйинчоқ ўйнаётган бола қўғирчоғини овутиб овунадиган, гаплашиб фикр юритадиган, ўйлайдиган мустақил одамга айланади.

Ҳа, бола дунёқарашининг шаклланишида ўйинчоқларнинг ўрни беқиёс. Шунинг учун ҳам бола ўйинчоқлар оламида ўсиши керак.

Дарҳақиқат, яқинда «Ўзэлектроаппарат» акционерлик жамиятида ўтказилган «Севимли ўйинчоқлар» республика кўрик-танловига келтирилган ўйинчоқлар мажмуини кўрганлар ўзини ўзга бир оламга — ўйинчоқлар оламига, эртаклар оламига кириб қолгандек ҳис қилган бўлса, кўнгилдан юқоридаги фикрлар ўтган бўлса, ажаб эмас.

Шуниси аҳамиятлики, бу йилги кўрик-танлов кўргазмасига қуйилган 56 та ўйинчоқлар мажмуининг ҳар бири алоҳида мавзуни ифода этган, айни пайтда уларнинг барчаси уйғунлашиб миллий бир руҳ, ўзбекона ҳаёт тарзини акс эттира олган.

«Ўзбекистон мевалари», «Буюк ипак йўли», «Амир Темур композицияси», «Этик кийган мушукча», «Регистон мақбараси», «Уйрўзғор буюмлари», «Қушлар ва ҳайвонлар дунёси», «Шарқ шаҳри», «Дуторчи қизлар дастаси», «Усталар шаҳри», «Полвонча», «Сурхондарё боболари», «Деҳқон бозори» каби ўйинчоқлар композицияларининг ҳар бирида миллий анъаналаримизга, қадриятларимизга ҳурмат руҳи теранлик ва ижодкорона сингдирилганки, беихтиёр ҳайрат уйғонади кишида.

Кези келганда айтиб ўтмоқ жоизки, ҳозирги иқтисодий тақчиллик шароитида мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, қоғоздан тортиб юмшоқ матолару лой ва ёғочгача, хуллас, топганидан шунчалар маҳорат ва дид билан чиройли ва бежирим ўйинчоқлар ярата олган тарбиячиларнинг ижодкорликлари ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

«Севимли ўйинчоқлар» республика кўрик-танловининг дастури ранг-баранглиги билан ҳам қизиқарли ва сермазмун эди. Қатнашчилар ўйинчоқлар билан танишиб чиққанларидан сўнг Ангрен шаҳар 41-болалар боғчаси тарбияланувчиларининг ўйин машғулотларини ҳамда чет элда ишлаб чиқарилган ўйинчоқлар билан ташкил этилган қувноқ ўйинларни кузатдилар. Шундан сўнг ўйинчоқ ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилот раҳбарлари билан брифинг бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, «Ўзэлектроаппарат» акционерлик жамияти раиси А. Алимбоев, республика таълим маркази директори F. Шоумаров ва бошқалар болаларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантирадиган, узоқ муддатли ўйинчоқлар ишлаб чиқариш, ўйинчоқларни моделлаштириш, ўйинчоқлар ишлаб чиқаришда ҳудудий шароитларни ҳисобга олиш, ўйинчоқларнинг технологиясини такомиллаштириш, керамика, сопол, ёғочдан ўйинчоқлар ясашга халқ усталарини жалб қилиш ва бошқа масалалар хусусида фикр билдирдилар.

«Ўйинчоқ — тарбия калити» мавзуидаги кўрик-танлов иштирокчиларининг давра суҳбати, Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 3-болалар боғчаси мудираси Г. Абдураҳмонова, Тошкент шаҳар 460-болалар боғчасининг услубчиси Л. Куляпинанинг ўйинчоқ ишлаб чиқариш борасидаги иш тажрибалари тўпланганларда яхши таассурот қолдирди.

Кўрик-танловнинг 4 та тури бўйича, яъни юмшоқ ўйинчоқлар, қақъе-маҳъедан ишланган ўйинчоқлар, лойдан ишланган ва ёғоч, ташландиқ ҳамда табиат ашёларидан ишланган ўйинчоқлар бўйича Элликқалъа туманидаги 4-болалар боғчасининг «Амир Темур навкарлари» композицияси, Фарғона вилоятидан «Шарқ бозори» композицияси, Гулистон шаҳридаги «Қувонч» комплексининг «Усталар шаҳри» композицияси, Жиззах шаҳридаги 30-болалар боғчаси «Деҳқон бозори» композицияси учун биринчи ўрин, Хоразм вилояти Шовот туманидаги 4-болалар боғчаси «Цирк», Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 4-болалар боғчаси «Қўғирчоқлар», Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 19-болалар боғчаси «Танишув», Гулистон шаҳридан «Наврўз сайли» композицияси иккинчи ўрин; Сурхондарё вилоятидан «Эгри ва Тўғри» композицияси, Қашқадарёдан «Масхарабоз сандиқчада тилла соати билан», Тошкентдан «Этик кийган мушукча», Андижондан «Шум бола яйловда» композициялари учун учинчи ўрин соҳиби бўлдилар. Нафақат, ғолиблар барча қатнашчилар ҳам эсдалик совғалари ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.



«Севимли ўйинчоқлар» республика кўрик-танлови сўнгида халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев якунловчи сўз айтиб, жумладан қуйидагиларни таъкидлади.

— Бу тадбирларни ўтказишдан мақсад фақат ғолибларни аниқлаш эмас, балки келгусидаги ишларимизни ҳам режалаштириб олишдир. Ўзингизга яхши маълум, бугунги кунда боғчаларимизда ўйинчоқлар масаласи мақтанадиган даражада эмас. Кўпгина боғчаларимизда ўйинчоқлар болаларнинг ўйнамоғи учун эмас, томошагагина қўйилиши ҳам сир эмас. Болалар уларни ўйнаш тугул, ҳатто ушлаб ҳам кўришмаган. Бола қўғирчоғи билан ўйнаши, гаплашиши,таъбир жоиз бўлса, ўзининг севимли ўйинчоғи билан бирга ухлаши ҳам керак.

Яна бир гап. Мактабни боғчага кўчирмайлик . Мен шундан ташвишдаман. Бола боғчага ўйнаш учун келсин. Ўйнаб-ўйнаб ўйлайдиган бўлсин. Ўйин уни фикрлашга ўргатсин. Ўйин орқали тарбиялансин, атрофмуҳит, ҳаётни англаб борсин. Мактабни боғчага кўчириб келсак, болани бездириб қўйишимиз мумкин. Бола ўйинлар, ўйинчоқлар олами ичида бўлсин.

Вазирнинг гапларини кўпчилик маъқуллади. Жойларда бу нозик жиҳатларга эътибор беражакларини таъкидлашди. Бир сўз билан айтганда, тадбир ҳар томонлама тайёргарлик билан ўтказилганлиги, унинг натижавий хулосасида яққол билинди. Тадбирдан барча қатнашувчилар бир олам қувонч ва ибрат олишди. Кўзланган мақсад ҳам шу эди.

Зубайда УСМОНОВА.

Хуллас...

Сичқонга қирон

Бангладеш қишлоқ хўжалиги вазири мамлакатни буғдой билан тўла таъминлашнинг антиқа йўлини илгари сурди. Унинг фикрича, бу муаммони ҳал этиш учун бошдан-оёқ сичқонларга қирон келтириш керак. Чунки, бу кемирувчилар бир йилда 450 минг тонна буғдойнинг «кулини кўкка» совурар экан. Вазир «Сичқонга қирон — 96» умумий ҳаракатини эълон қилди. Ҳозирданоқ унинг қўли остидаги мутахассислар бутун мамлакат бўйлаб тарқалиб, юқоридаги ҳаракатни амалга оширишга бош-қош бўлишмоқда. Бу «уруш» нимага олиб келишини билмаймизу, бироқ ҳар қандай муҳораба бир томонни ўпириб юбориши айни ҳақиқат.

Машҳур бўлиш қандай яхши

Яна бунинг устига ўлимдан сўнг ҳам машҳурлик сўнмаса. Буюк француз актёри Юл Бриннер шундай бахтли инсонлардан экан. Актёр вафотидан сўнг унинг шахсий буюмлари кимошди савдосига қўйилди. Парижда ўтган ушбу савдода актёрнинг шляпаси 73 минг франк (15 минг долларга яқин)ка сотилди. Этик 6 минг долларга, актёрнинг «Кольт» фирмасида ишлаб чиқарилган тўппончаси эса 11 минг долларга баҳоланди ҳамда бировларнинг кийиму нарсаларига ўчларга топширилди.

Говмишларга музқаймоқ

Ниҳоят, Исроил сигирлари серсутлигининг сири очилди. Маълум бўлишича, исроиллик фермерлар ўз говмишларига музқаймоқ беришар экан. Фермерлар фақат серсутликни ошириш учунгина шундай қилишмас экан-да. Гап шундаки, Исроилда сутнинг сифати-ю унинг таркибига талаб жуда катта эмиш. Шу боис, рақобатга дош бериш учун фермерлар ҳар қандай чораларни кўриш пайида юришаркан.

Кўнгилни кўриб бўлмайди

Бошқирдистоннинг Иваненково қишлоғи черкови руҳонийси Владимир ота черков суди олдида жавоб берадиган бўлди. У икки йил давомида муқаддас даргоҳ мулкини ўғирлаб сотаверган. Ҳисоб-китобларга қараганда 15 миллион рублик иконалар, садақалар гумдон бўлган.

ана шунақа гаплар.

Тошкент давлат шарқшунослик институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси «Араб филологияси» кафедрасининг доценти Н. И. Ашихминага отаси **Петр Матвеевич СЮТКИНнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎҚИТУВЧИ ЁН ДАФТАРИДАН

Ўқитувчи ўқувчи қалбига нур таратувчидир. Нурга ташна қалбни эса бир хил меъдага тегувчи услубдаги дарс жараёнида ёки дарсдан ташқари жараёнда тарбиялаб бўлмайди.

* * *

Ўз ўқувчингнинг ота-онасини туғилган опа-синглинг ва ака-укангдай бил. Улар қалбини ўрган, керак бўлса, дардига малҳам бўл. Шу жиҳатларни ўзингда мужассамлаштира олсанг, ўқувчинг қалбига кириб, таълим-тарбия борасида муваффақият қозона оласан.

* * *

Шуни унутмаслик лозим, ўқитувчилик касби барча касблар сардоридир. Бу касб соҳиби орқали жамиятнинг барча аъзолари ҳаётда ўз йўлларини тўғри танлаб, турли касб эгалари бўладилар. Ўқитувчилик касбининг масъулиятлилиги, улуғворлиги ҳам шундадир.

* * *

Болани севган инсонгина унинг қалбини тушуна олади ва тўғри йўлга бошлай олади.

* * *

Узига талабчан ва ўзини ҳурмат қила билган кишигина ўзгага ҳам талабчан бўлиб, унинг ҳурматини ўринлата олади.

Манфаат ОДИЛОВА,
Тошкент шаҳридаги 237-мактаб ўқитувчиси.

Инглизчани ўрганамиз

МАКТАБ МАВЗУСИ

Гарчи мактаб ёшига
Етгунингча йўқ, бироқ,
Сумкани инглизчада
Bag (бэг) дейишни бил ўртоқ.

Менга бир мақол ёқар:
«Китоб — ақл чироғи».
Ҳатто инглизча book (буук)
Менинг яқин ўртоғим.

Ўғил бола — арзанда,
Эркалаб — той дейишар,
Инглизчада уни
Оддий қиб — boy (бой)
дейишар.

Бўрни дейишади chafk (чок),
Доскани-чи, black board
(блэк бод).
Қандингни ур, азамат,
Тилингга оби новвот.

Айиқполвон партага
Ўтирди шартта.
Ҳаммани лол қолдириб
Деди: desk (дэск) — парта.

Расм чизиш бобида
Ҳеч ким менга келмас тенг.
Инглизча расмни
Дейишади drawing (дровинг).

Доскада ёзиб бўлгач,
Уни ўчир, албатта.
Бунинг-чун сенга керак
Инглизча duster (дастэ) —
латта.

Кўпайса ғубор, қурум,
Керак супурги — broom
(бруум).

Икки қўлдан чиқар қарс,
Дарс — бу lesson (лэсн),
lesson — дарс.

Уй вазифасин ҳар гал,
Ўз вақтида этгин ҳал.
Билиминг қилма саёз,
Машқ аталур exercise
(эксэсайз).

Асқар ШОКИР,
Дилбар ҒУЛОМОВА
таржималари.

THE 1997 EDMUND S. MUSKIE FELLOWSHIP PROGRAM

THE 1997 FREEDOM SUPPORT ACT GRADUATE FELLOWSHIP PROGRAM

OPPORTUNITIES FOR GRADUATE STUDY IN THE USA

The Government of the United States of America is pleased to announce the 1997 Edmund S. Muskie Fellowship Program and 1997 Freedom Support Act (FSA) Graduate Fellowship Program. The Edmund S. Muskie and Freedom Support Act Graduate Fellowship Programs provide grants to citizens of the NIS countries. The Program are funded and supervised by the United States Information Agency. Recruitment for the programs will be conducted by ACCELS, IIE, IREX, and the Soros Foundation/OSI. These Fellowships offer the opportunity to pursue one or two years of graduate study in the following fields:

Edmund S. Muskie/FSA Graduate Program:

business administration
economics
public administration
law

FSA Graduate Program only:

communication/journalism
library and information science
public policy
education administration

The Fellowships will provide financial assistance to qualified individuals from the NIS countries who lack sufficient funding to enroll in master's degree-level programs at US institutions. Fellows will be enrolled in a US institution by the fellowship programs and may not select their host institution. During their term of study, fellows must meet the academic standards and requirements of their US host institutions. Fellows may have the opportunity to seek an eight to twelve-week summer internship for practical training in the field of specialization. Both degree and non-degree fellowship programs are available under the terms of the fellowship and the laws governing the visa required for participation in the program. fellows must return to their home countries immediately upon completion of the program for a period of at least two years. Fellows may not continue for PhD or other studies and are not eligible for extended practical training or employment in the United States.

Competition for the Edmund S. Muskie and FSA Graduate Fellowship Programs is merit-based and open to any individual who meets the specific criteria. Candidates may only apply for one program. Individuals who apply for more than one field of study or who apply for both the Edmund S. Muskie and FSA Graduate Fellowship Programs will automatically be disqualified, and neither application will be considered. Additionally, applicants must:

- lack sources of funding to study at a US institution;
- under the age of 40 at the time of application deadline;
- hold an undergraduate degree (four or five-year program) with good academic standing by the start of the proposed academic program in the United States in summer 1997;
- be proficient in spoken and written English at the time of application;
- be able to demonstrate professional aptitude and leadership potential in the field of specialization;
- be able to begin study in the United States in summer 1997.

Participation in the Edmund S. Muskie and FSA Graduate Fellowship Programs is contingent upon the ability to receive and maintain a US visa. The following individuals are not eligible to apply:

- spouses of US citizens;
- individuals currently enrolled in academic, training, or research programs outside the participating countries;
- individuals who have spent four or more consecutive months outside fifteen participating (Muskie) or twelve participating (FSA) countries since June, 1995. This includes people who have taken part in academic, training, internship, or research programs lasting four or more consecutive months, as well as individuals who have worked outside the participating nations for four or more consecutive months;
- individuals who have applied for an immigrant visa or political asylum to any country.

The complete list of eligibility requirements and selection criteria are included in the application. Applications may be obtained in person or by writing to one of the advising centers or representational offices below. Applications must be in English and must be returned to one of the advising centers or representation offices listed below by November 15, 1996. Late or incomplete applications will not be considered.

Selection will be made on the basis of academic excellence, knowledge of English, professional aptitude and leadership potential in the field of specialization. Teams of US specialists will review complete applications and prepare a list of semi-finalists to be tested and interviewed as part of the selection process. All semi-finalists will be required to take TOEFL. Semi-finalists may also be required to take other examinations depending on the program for which they are applying. The cost of all tests for semi-finalists will be covered by the Muskie or FSA Graduate Fellowship Programs.

ACCELS Main office:
16-A Lakhuty St., Room 716
Tashkent 700015, Uzbekistan
Tel: (3712) 56 55 47

IREX Office:
6 Navoi St., Room 2
Tashkent, Uzbekistan
Tel: (3712) 41 59 97

ACCELS Educational Advising Center:
80 Uzbekistan St.,
2nd Floor, Room #210
Tel/fax: (3712) 45-80-56

Bukhara Branch of ACCELS:
Art Museum Building
B. Nakshbandi St.,
Bukhara, Uzbekistan
Tel/fax: (36522) 4 22 46

Samarkand Branch of ACCELS:
15 Universitetskiy St.,
Dept. of Quantum Elec.
Samarkand, Uzbekistan
Tel/fax: (3662) 35 66 98

Nukus Branch of ACCELS:
3 Karakalpakstan St.,
1st Floor, Nukus
742000, Karakalpakstan
Tel/fax: (36122) 4 28 61

Namangan Branch of ACCELS: 4 Mashrab St., 4th Fl., Rm #421, 422, Namangan, Uzbekistan, Tel: (36922) 6 27 50

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ХУЖАЕВА, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0582. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
123456